

Т. ҚОРАЕВ, Р. ВОҲИДОВ

ТАХАЛЛУСЛАР

ТАҲА



“ФАН”

Дрилов Георгий
Михаилович
нашего купчеха.

Гарк

Т. ҚОРАЕВ, Р. ВОҲИДОВ

ТАХАЛЛУСЛАР

Муҳорада тарз
Гароҳони
Санкора тарз
Фарғонада.
Н. М. Годз.

УЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1979

МУНДАРИЖА

Тахаллус тарихига доир	3
Тахаллус, лақаб, кунъя, унвон	6
Тахаллуслар тилга кирганда	21
Тәхаллус давом этади	32
Тахаллуслар чаманзори	39
Сўлим билмас чаманинг ранго-ранг гуллари	47
Бир шоирга бир неча тахаллус	63
Бир неча шоирга бир тахаллус	66

Масъул мұҳаррир:
Филология фанларың кандидати,
доцент *M. ҚОСИМОВА*

На узбекском языке

Таджи Караев, Рахим Вахидов

ПСЕВДОНИМЫ

*Ўзбекистон ССР ФА илмий-оммабол китоблар
таҳрир ҳайъати томонидан нашрига тасдиқланган*

Мұҳаррир *A. Комилова*
Рассом *A. Ошайко.*
Техмұхаррир *T. Тигаренко*
Корректор *M. Сайдова*

ИБ № 915

Теришига берилди 2/IV-79 й. Босишига рухсат этилди 18/VI-79 й. Р04631. Формати $84 \times 108\frac{1}{32}$. Босмахона қозози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли-босма л. 3,57. Хисоб-нашриёт л. 3,5. Тиражи 3000. Заказ 118. Баҳоси 15 т.

ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, М. Горький проспекти, 79.
Нашриёт адреси: 700047, Тошкент, Гоголь кӯчаси, 70.

К 70103-1004
248-79 © ЎзССР «Фан» нашриёти, 1979 й.

ТАХАЛЛУС ТАРИХИГА ДОИР

Ўзбек адабиётшунослигида адабий тахаллус масаласи маҳсус тадқиқот обьекти сифатида атрофлича ўрганилмаган. Бироқ бу адабий тахаллусга доир умуман ишқилинмаган экан, деган хulosага олиб келмаслиги лозим. Чунки таникли адабиётшунослардан Е. Э. Бертельс, В. Абдуллаев, А. Мирзаев, И. С. Брагинский, В. Зоҳидов, М. Шайхзода, Ф. Каримов, А. Ҳайитметов, Б. Валихўжаев, Н. Маллаев, А. Қаюмов ва бошқаларнинг ўзбек ва тожик адабиёти тарихига доир тадқиқотлари, дарслери, қўлланма ва илмий мақолаларида ҳал этилаётган проблемага боғлиқ ҳолда ёки маълум бир ижодкор адабий меросини таҳлил этиш жараёнида санъаткорларнинг тахаллусига даҳлдор фикр-мулоҳазалар ҳам баён этилган.

Сўз санъаткорлари тахаллус борасида, хусусан, ўз тахаллуслари хусусида фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирганлар. Фикримизга А. Навоий, Муқимий, С. Айний, Ойбек сингари улкан ижодкорларнинг бу соҳадаги эътироф ва қайдлари яхши мисол бўла олади. Айниқса, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг тахаллусга муносабати характерлидир. У адабий тахаллусга формал адабий ҳодиса сифатида қарамайди, балки унинг катта эстетик моҳиятини ҳис этади. Навоий ўзининг машҳур асари «Мажолисун-нафонс»да шоирлар ҳақида маълумот берар экан уларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтади, Шарқ халқлари адабиётида тахаллус танлаш ҳақида назарий маълумотлар беради. Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафонс» асари аксарият тазкиралардан фарқ қиласди. У тахаллуснинг ўрганилишига доир дастлабки манбадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, рус адабиётшунослигида адабий тахаллус маҳсус тадқиқот обьекти сифатида танланган ва бу соҳада муҳим ишлар амалга

оширилган. Бу жиҳатдан машхур совет библиографи И. Ф. Масановнинг хизмати диққатга сазовордир. И. Ф. Масанов узоқ йиллар давомида тахаллус ва анонимлар масаласи билан жиддий шуғулланди. Унинг тинимсиз изланиши натижасида тўрт томдан иборат саксон минг сўзли тахаллус ва анонимлар луфати майдонга келди. Мазкур луфат қисқа давр ичидаги уч марта нашр қилинди.

Кейинги йилларда рус адабиётида адабий тахаллус ва анонимларга қизиқиш кучайди. Бунинг маҳсули сифатида В. Г. Дмитриев, И. Вольперларнинг асарлари майдонга келди¹. В. Г. Дмитриевнинг «Ўзномини яширганлар» номли монографиясида рус классик ва совет адабиётидаги фактлар умумлаштирилиб, рус адабиётида адабий тахаллуснинг пайдо бўлиши ва қўлланилиш сабаблари кўрсатилади, шунингдек, бу адабиётда мавжуд тахаллусларнинг классификацияси берилади².

И. Вольпернинг «В. И. Ленин тахаллуслари» номли китобида доҳийнинг юздан ортиқ тахаллуслари хусусида мушоҳада юритилади. Мазкур тадқиқотларда тахаллуснинг назарий томонларига муносабат билдирилиб, конкрет фактлар асосида илмий холосалар чиқарилади. Рус адабиётшунослигида бундай йирик луфат ва монографияларнинг яратилиши ижодкор шахси, номи ва тахаллуси масаласига узоқ вақтлардан буён жиддий эътибор берилиб келинаётганлигидан далолат беради. Тахаллусшунос В. Дмитриевнинг фикрича, адабий тахаллусга қизиқиш, тахаллуслар луфатини тузиш ғарб олимларнинг ҳам диққатини ўзига тортган. Жумладан, немис-юристи Винцент Плацкий 1708 йилда латин тилида ўн минг асарнинг имзосиз ёки «сохта ном» — тахаллус билан босилганлигини аниқлаган. 1806—1809 йилларда Наполеон I нинг кутубхоначиси Антуан Барбье француз тилида нашр этилган асарлардан тахаллус ва анонимларни тўплаган ва уларни тўрт томлик луфат ҳоли-

¹ Дмитриев В. Г. Скрывшие свое имя. М., 1970; Вольпер И. В. И. Ленин тахаллуслари. Тошкент, 1971.

² В. Г. Дмитриевнинг берган маълумотларига кўра тахаллус ва анонимларга қизиқиш, луфат тузиш И. Ф. Масановгача ҳам бўлган. Жумладан, 1874 йилда Г. Н. Геннади, 1891 йилда В. С. Қарцов ва М. Н. Мазаевлар томонидан ҳам тахаллуслар луфати тузилган. Қаранг, шу асар, 8-бет.

да нашр эттирган. Бу анъана ғарбда ҳозир ҳам давом этмоқда. Жумладан, Данияда ўн минг сўзли тахаллуслар луғати тузилган бўлса, инглизларда 60 минг, немисларда 83 минг сўзли тахаллуслар луғати тузилди³. Келтирилган фактлар рус адабиётшунослигида, шунингдек, Ғарбий Европа мамлакатларида тахаллус ва анонимларга қизиқиш анча олдин бошланганлигини ва бу соҳада маълум ютуқларга эришилганлигини кўрсатади.

Кейинги йилларда номлар, тахаллуслар масаласида ўзбек, тожик, бошқирд ва бошқа тилларда ҳам бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилди, мақола ва луғатлар тузилиб, жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинди. Бу ишларнинг аксарияти ономастика — номшуносликка оидdir. Бу жиҳатдан Э. Бегматов, Я. Менажиев, Х. Азаматов, Д. Абдураҳмонов, О. Гафуров, Ф. Абдулла, Т. Кусимоваларнинг хизмати диққатга сазовордир⁴.

Тахаллус масаласи билан адабиётшунослар ҳам шуғулланишган. Натижада тахаллусга бағишлиланган мақолалар ёзилди ва эълон қилинди. Мазкур мақолаларда ўзбек классик ва совет адабиётида тахаллус масаласида мулоҳаза-мушоҳадалар юритилади. Бу жиҳатдан адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқовнинг «Алишер Навоий ва Навоий тахаллусли шоирлар», «Ўн бир Жомий» номли мақолалари ғоят характерлидир⁵. Филология фанлари кандидати Одилжон Носиров ўзининг «Ўзбек адабиётида ғазал» номли рисоласида ғазалчикликининг тараққиётига боғлиқ равишда тахаллусга доир мулоҳазаларни ўртага ташлайди⁶.

Шоир Олтой(Боис Қориев) томонидан ёзилган «Адабий тахаллуслар ҳақида» номли мақола ҳам эъти-

³ Дмитриев В. Скрывшие свое имя. М., 1970.

⁴ Бегматов Э. Номлар ва одамлар. Тошкент, 1966; «Киши номлари имлоси. Тошкент, 1970; «Ўзбек исмлари имлоси (русча ёзилиш масалалари), Тошкент, 1972; Менажиев Я., Азаматов Х., Абдураҳмонов Д., Бегматов Э. Исмиңгизнинг маъноси нима? Тошкент, 1968; Гафуров А. Лев и Кипарис (о восточных именах). М., 1971; Абдулла Ф. Номнома. Душанбе, 1972; Кусимова Т. Древне-башкирские антропонимы, АКД, Уфа, 1975.

⁵ Исҳоқов Ё. Алишер Навоий ва Навоий тахаллусли шоирлар. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1968, 3-сон, 76—79-бетлар; Ўн бир Жомий. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1968, 1-сон, 42—45-бетлар.

⁶ Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. Тошкент, 1972.

борга лойиқ*. Олтой 20-йилларда вақтли матбуот саҳи-
фаларида эълон қилинган ранг-баранг ном — тахаллус-
лар, инициал-тхаллуслардан 430 тасини аниқлади. Бу
иш ўзбек адабий тахаллуслари луғатини тузиш соҳа-
сидаги илк қадамдир. Ушбу сатрлар муаллифларининг
«Ўқувчиларга адабий тахаллус ҳақида тушунча бериш»⁷
номли мақоласи ҳам эълон қилинган. Мазкур мақола
рисоланинг майдонга келишида бир турткى вазифасини
бажарди.

Юқорида қайд этилганлардан кўринадики, ўзбек
адабий тахаллуслари хусусида ҳозиргига қадар ёзил-
ган ишлар мақола характеристида бўлиб, уларнинг бирон-
таси ҳам бу масала хусусида конкрет ва атрофлича ил-
мий хуносалар чиқариш ҳуқуқини ва яхлит маълумот
бериш вазифасини ўз зиммасига олмайди. Қисқа тарихий
давр ичида улкан ютуқларга эришган ўзбек адабиёт-
шунослик фани адабий жараённинг асосий томон-
ларини таҳлил этиш билан бирга адабий тахаллуслар
назариясини ишлаш ва унинг мукаммал луғатини ту-
зиш зарурлигини тақозо этмоқда. Мазкур рисола эса
бу соҳадаги дастлабки қадам бўлганлиги учун темага
тегишли ҳамма масалалар ва томонларни тўла ҳал
етиши даъвосини ўз зиммасига олмайди. Аксинча, Совет
адабиётшунослик фани ҳозиргача эришган тажриба ва
билимларга таяниб, адабий тахаллуснинг пайдо бўлиш
тарихи, унинг таъланиш сабаблари, принциплари, клас-
сификацияси, ғоявий мазмуни ҳақида қисқача маълу-
мот беришни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Тахаллус, лақаб, кунъя, унвон

Тахаллус. Тахаллуснинг пайдо бўлиш вақти ва
сабаблари хусусида баҳс этишдан аввал бу сўзнинг
луғавий маъноси, илмий, адабий, тарихий манбаларда
қандай талқин қилиниши ҳақида тўхталиш мақсадга
мувофиқ. Жумладан, тахаллус сўзи «Ғиёсул-луғат»,
«Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат»
(1953), «Русча-ўзбекча луғат», «Фарҳангি забони точи-

* Қориев Б. Адабий тахаллуслар ҳақида. «Ўзбек тили ва
адабиёти» журнали, 1967, 1-сон, 51—58-бетлар.

† Қораев Т., Воҳидов Р. Ўқувчиларга адабий тахаллус
ҳақида тушунча бериш. «Совет мактаби» журнали, 1974, 3-сон,
43—48-бетлар.

ки» («Тожик тилининг изоҳли лугати»), «Адабиётшунослик терминлари лугати», «Русча-ўзбекча адабиётшунослик терминлари лугати», «Навоий асарлари лугати», «Поэтический словарь» ва бошқа ишларда деярли бир хилда изоҳланади⁸. «Тахаллус» термини арабча сўз бўлиб, халос бўлиш, қутулиш ва ўз номидан бошқа бир номни қабул қилишини англатади.

Л. И. Тимофеев ва Н. Венгревларнинг «Краткий словарь литературоведческих терминов» китобида («Қисқача адабиётшунослик терминлари лугати») қўйидагиларни ўқиймиз: Псевдоним (тахаллус) грек тилидан олинган. Псевдос — ёлғон, уйдирма, онома — от, исм — ўйланган исм ёки фамилия бўлиб, айrim ёзувчилар ўз асарларини шу ном билан чоп эттирадилар, актёрлар саҳнага чиқадилар⁹. Муқояса қилинганда, бу търиф ўзбек ва тожик тилида яратилган лугатларда баён этилган фикрлардан жиддий фарқ қилмайди. Аммо бу лугатда айrim фарқли томонлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, «лугат» тузувчилар шундай ёзишади: «Козъма Прутков — aka-ука Жемчужниковларнинг колектив тахаллусидир. Бу иқтибосда дикқатга лойиқ нуқта «Коллективный псевдоним» — «Коллектив тахаллус» иборасидир.

Шарқ халқлари тарихида бир тахаллусда бир неча шоирнинг ижод этганилиги маълум. Масалан, XV асрда Абдураҳмон Жомийнинг яшаб, ижод этганилиги, жўшқин лирик асарлар, «Ҳафт авранг» (етти поэмадан иборат, «Хамса»чилик традицияси асосида майдонга келган улкан асар), шунингдек, қатор илмий, фалсафий, тарихий асарлар яратганилиги, Алишер Навоий билан ота-ўғиллик муносабатида бўлганлиги ҳақида қатор сарчашмаларда қимматли маълумотлар учрайди. Масаланинг характерли томони шундаки, Абдураҳмон Жомийдан бошқа яна ўнлаб ижодкорлар шу тахаллусда қалам тебратишган. Булар XII асрда яшаган Аҳмади Жомий, Нишопурда яшаган Хўжа Қутбиддин Яхё Жомий, Ҳиротда яшаган Мавлоно Муҳаммад Жомий, Ҳиндистонда яшаган Жалолиддин Жомий, XVII асрда

⁸ Мазкур лугатлар ва уларнинг авторлари мухтарам китобхонларга маълум бўлганлиги туфайли уларни алоҳида қайд этиб ўтиришини маъқул кўрмадик.

⁹ Тимофеев Л. И., Венгрев Н. Краткий словарь литературоведческих терминов. М., 1958, с. 118.

Бухорода таҳсил олиб шуҳрат қозонган Жомий Ҳисорий, қоратегинлик Камолиддин Жомий Соқий, Жомий Лоҳурний, Жомий Ардабилий, Жомий Гилоний ва бошқалар¹⁰.

Бир оила ёки авлоддан бир неча ижодкорларнинг етишиб чиққанлигига тарих гувоҳлик қиласиди. Лекин улар битта тахаллусда ижод қилмаган. Қўп асрлик ўзбек адабиёти тарихи коллектив тахаллус масаласини ижобий ҳал қилиш имконига эга эмас. Адабиётимиз тарихида бошқа бир ҳодиса борки, у «Коллектив тахаллус»га ўхшаб кетади. Масалан, Бухорода яшаб ижод қилган қаламкашлар номига «Бухорий» сўзи қўшиб айтилади. Масалан, Муҳаммад Авфий Бухорий, Хўжа Исмат Бухорий, Сайфий Бухорий, Хаёлий Бухорий, Кавсарий Бухорий ва ҳоказо. Буни Самарқанд, Қўқон, Хўжанд ва бошқа жойларда яшаб ижод этган ижодкорлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Коллектив тахаллус рус адабиётига хос ҳусусиятдир. Дарвоҷе, бир фамилия билан бир неча авлоднинг юритилиш анъанаси руслар учун қадимий традиция ҳисобланади. Л. И. Тимофеев ва С. И. Тўраевлар томонидан тартиб берилган «Адабиётшунослик терминлари лугати»да тахаллус сўзига изоҳ берилади. Мазкур изоҳ олдинги лугатдаги изоҳдан жиддий фарқ қилмайди. Булар ўртасидаги тафовут шундан иборатки, 1974 йилда нашр этилган лугатда тахаллусларнинг қисқача классификацияси ҳам берилган.

Юқоридаги лугатларда тахаллус ҳақида келтирилган иқтибослардаги мазмун бошқа барча турдаги ишларда ҳам шунга ўхшаш тарзда қайд қилинган.

Тахаллус термин сифатида ёзувчи, шоир, жамоат ва давлат арбоблари, журналистлар томонидан қабул қилинган иккинчи ном ёки фамилиядир. Даврлар ўтиши билан бу тоифа аҳли ўз фамилияси билан эмас, балки ана шу тахаллуси билан шуҳрат пайдо қилиб, жамоатчилик ўртасида кенг таҳнилади. Алексей Максимович Пешков — Горький, Фиёсиддин Кичкина ўғли Алишер — Навоий, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли — Фурқат, Раҳматулла Отакўзиев — Уйғун, Ҳошим ибн Ҳаким — Муқанна ва бошқалар фикримизнинг далилидир.

¹⁰ Қаранг: Ҳисҳоқов Е. Үн бир Жомий. «Ўзбек тили ва адабиёт» журнали, 1-сон, 42—45-бетлар.

Лақаб. Адабиётларда тахаллус термини билан параллель равищда «лақаб» сўзи ҳам ишлатилади. Ҳатто айрим ўринларда бу икки сўз тенг маънода ишлатилади. Тахаллус билан лақаб сўzlари ўртасида маълум даражада яқинлик бор. Аммо уларнинг хар иккаласи бир нарса эмас. Бу иккала сўз ўртасида фарқли томонлар борлигини луғатларда берилган изоҳлардан ҳам билиш мумкин. 1957 йилда Тошкентда профессор В. В. Решетов бошчилтигидаги авторлар колективи томонидан тузилиб нашр эттирилган «Русча-ўзбекча луғат»нинг 191-бетида қўйидагиларни ўқиймиз: «Кличка — лақаб, қўшимча от, ном». Изоҳ жуда қисқа бўлиб, ифода этилган мақсад эса аниқдир. «Тахаллус — уйдирма, хаёлий, бошқа ном», лақаб эса «қўшимча ном»дир. Иккаласи икки нарса. Тахаллус танлашда шоир, ёзувчи ёки санъатнинг бошқа бир соҳасида фаолият кўрсатувчи шахс ўз номини ишлатмай, унинг ўрнида бошқа бир отни қўлласа, лақаб маълум шахснинг номига қўшимча тарзда қўшилади. Айрим луғатларда «лақаб» сўзи ҳозиргига нисбатан кенгроқ шарҳланади. Бу жиҳатдан «Фарҳанг забони тоҷики» характерлидир. Луғатнинг 598-бетида шундай ёзилган: *Лақаб — араби — номи дўйуме, ки ба тариқи ифтихор, мадҳ, ё ҳаҷзу мазаммат ба номи аслии касе иловави шудааст ё жои номи аслии ўроғирифтааст; лақаб кардан — номи иловаги додан.* Таржимаси: Лақаб арабча сўз бўлиб, фахрланиш, мадҳ этиш, ҳажв ва танқид қилиш мақсадида қўйилган иккинчи номдир. Лақаб маълум шахснинг номига қўшимча сифатида қўшилади, ё унинг асл номи жойини олади. Лақаб олмоқ — қўшимча номга эга бўлмоқ демакдир. Келтирилган изоҳ мақсадни янада ойдинлаштиради, лақабга хос хусусиятларни, характерли белгиларни конкрет кўрсатишга хизмат қиласи. Таъкидлаш зарурки, «Исмингизнинг маъноси нима?» китобининг авторлари ҳам бу иккала сўзни аралаштирумаслик тарафдори. Улар ҳам бу тушунчалар ўртасида маълум фарқлар борлигини алоҳида қайд қиласидар. Айни чоқда лақаб қўйиш йўллари хусусида гапириб, қўйидагиларни ёзадилар: «У инсоннинг турли-туман белгиси, хусусиятларига қараб қўйилади. Шунга кўра лақаблар кишиларнинг қайси уруф ёки қабилага мансублигини, улардаги жисмоний камчиликларни, характер, феъл-ат-

вор, галириш услуби, кийинишидаги бирор камчилик ёки ўзгачаликни, касбини, миллатини, шу қишлоқда биринчи бўлиб қилган ишини, қаердан келганлигини ва кишилардаги шу каби яхши ҳамда ёмон хислатларни, белги-хусусиятларни кўрсатади»¹¹. Таъриф мукаммал, унда лақаб қўйилишига туртки бўлувчи барча моментлар ҳисобга олинган. Авторлар томонидан келтирилган Отабой шўро, Зиёдулла қассоб, Тошпўлат мироб, Соли бурун, Йўлдош шилқум, Ислом новча, Рисол шилпиқ каби мисоллар улар илгари сурған хулосаларга мос тушган.

Лақаб қўйиш, аташ, чақириш факат жонли сўзлашув, муомала учун хос хусусият бўлмай, балки шароит тақозоси туфайли революционерлар, шоир, ёзувчи, журналистлар ҳам ўзларига мавсумий лақаб қўядилар. Баъзан давр талаби ёки маълум шароит тақозоси билан адилар, журналистлар, революционерлар ҳам ўз исемларини яширадилар. Айрим мақолаларда тахаллус ва лақаб терминлари тенг маънода қўлланилган ёки аралаш ҳолда ишлатилган. Бундай қилиш маъқул эмас. Чунки лақаб ўткинчи бўлиб, нормал вазият вужудга келгач, лақаб ё ишлатилмайди ёки функцияси иккинчи планга тушиб қолади. Таъқиби кучайтирмаслик, хавфсизликни таъминлаш учун вақтинча шундай йўл тутиш зарур бўлиб қолади. Ана шундай ҳодиса Улуф Октябрь социалистик революцияси арафасидаги рус революционерлари фаолиятида бўлганидек, бугунги кунда эрк ва озодлик, миллий мустақиллик ва тараққиёт учун курашаётган давлатларнинг илгор фарзандлари ҳаётида ҳам содир бўлмоқда. Вазиятнинг ўзгариши, яширин ҳаракат қилиш даврининг тугалланиши билан ана шу тоифадаги шахслар яна ўз фамилиялари билан юритиладилар. И. Вольпер «Ленин тахаллуслари» китобида айрим партия арбоблари, таниқли революционерларнинг лақаби хусусида қўйидаги фикрни юритади: «Баъзан лақаблар жуда фалати шаклни олган. Масалан, М. И. Ульянова — Медведь, П. И. Кулябко — Мишь, М. Н. Лядов — Русалка, Н. Э. Бауман — Балерина, Л. Б. Касин — Лошадь, З. П. Кржижановская — Булка, М. М. Эссен — Зверь

¹¹ Менажиев Я., Азаматов Х., Абдураҳмонов Д., Бегматов Э. Исмингизнинг маъноси нима? Тошкент, 1968, 15—16-бетлар.

ва ҳоказо»¹². Асарда бу лақабларнинг қўйилиши ва ишлатилишига турткى бўлган воқеа ва моментлар ҳам оидинлаштириб берилган. Жумладан, автор М. И. Ульянова томонидан қабул қилинган «Медведь» лақабининг боисини аниқлаш учун Н. К. Крупская хотираларига сұянади. Н. К. Крупская ёзади: «Мария Ильиничнада қандайдир алоҳида ўшлиқка хос тортинчоқлик билан ғоят зўр эътиқодли тиришқоқлик қўшилиб кетганилиги учун «Медвежонок» деб атардик.. «Медвежонок»ни севмасдан бўлмасди»¹³. Кўринадики, онлана ҳазил-мутобийба, эркалаш маъноларида ишлатилган бу сўз кейинчилик Мария Ильиничнанинг «партиявий лақаб»и вазифасини ўтаган. Демак, ёзувчи, шоир, революционерлар, партия ва давлат арбобларининг тахаллуслари ҳақида гапирганда, эҳтиётлик билан иш тутиш, тахаллус ва лақаб сўзларини тенг маънода ишлатмай, уларни ўз маъносига қўллаш зарур. Акс ҳолда бу терминларнинг маъносини бузиб, функциясини тушунмай қўллаган бўлжамиш.

Унвонлар. Шоир ва ёзувчиларнинг мукаммал номлари тилга олинганда уларнинг ўз исми, ота-бобосининг исми, тахаллуси, лақаби билан бир қаторда «шайх», «ҳаким», «абу», «ибн» сингари сўзларнинг ишлатилишига ҳам дуч келамиш. Бу ҳолат асосан Улуф Октябрь социалистик революциясига қадар яшаб ижод қилган ижодкорларда учрайди.

Шайх. Ўтмишда яшаган донишмандлар, зукколар, шоир ва олимларнинг номи тилга олинганда уларнинг номи ёки тахаллуси олдидан «шайх» сўзини илова қиласх одат тусига кирган. Масалан, Шайхурраис ибн Сино, Шайх Муслиҳиддин Саъдий, Шайх Аҳмад Суҳайлий, Шайх Ориф Озарий, Шайх Камоли Турбатий ва бошқалар. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бундай ҳолатда «шайх» сўзи — риёкор, динни тарғиб қилувчи ва шу йўл билан тириклик ўтказувчи диндор ёки диний лавозимдаги киши маъносига ишлатилмайди. Чунки «шайх» сўзининг маъноси фақат юқоридагилар билан чекланмайди, балки лугат унинг маъноси анча теран, кенг эканлигига кафиллик беради. Жумладан, «Тожик тилининг изоҳли лугати»¹⁴ ва «Навоий

¹² Вольпер И. Ленин тахаллуслари, II-бет.

¹³ Уша асар, 12-бет.

¹⁴ Тожик тилининг изоҳли лугати, 688-бет.

асарлари луғати»да «шайх» сўзининг икки маънода ишлатилиши қайд қилинган. «Навоий асарлари луғати»да қўйидагилар қайд қилинган: «Шайх» арабча сўз бўлиб, қари, кекса, сўфиylар бошлиғи, эшон каби маъноларни англатади. Айрим донишмандлар «шайх» сўзининг биринчи маъносига (қари, кекса) олим, зуккo, файласуф каби сифатларни ҳам қўшадилар. Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асарида «шайх» қўшимчаси олган шоирлар ҳақида характеристика берилади. Мазкур тазкирада шундай сатрлар бор: «Шайх Ка-моли Турбатий — кўп диққатлик, таъблук киши эрди, Хўжа Ҳофиз ғазалларидин кўп мухаммас қилибдур. Хурсоннинг муттаайин (тайинли, таниқли), ранги зурафосидин эрди»¹⁵. Шунингдек, устод Садриддин Айний асарларида ҳам «шайх» сўзи ижобий маънода қўлланган. Маълумки, устод Шарқнинг бир ҳатор йирик сиймолари ҳақида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Жумладан, унинг эътиборини Саъдий тақдири ва ижодиёти жалб этади ва у ҳақда илмий тадқиқотни яратади. Устод С. Айний Саъдий фаолиятнинг жуда кўп томонлари хусусида баҳс юритиш билан бирга шоир тахаллусига қўшилиб келадиган «Шайх» сўзини тавсифлаб бундай ёзади: «Аз «Шайх» лақаб ёфтани Саъдӣ хонандагон гумон набаранд, ки у «лири муридгир» будааст. Не, ин тавр нест. Асли маъний шайх — куҳансол, муқобили ҷавон буда, дар қадим ба маънои олим ва донишманд ҳам кор фармуда мешуд. Дар инчо ба маънои дуйум аст. Ба ҳамин маъний Абуалӣ Синоро ҳам Шайхурраис номидаанд»¹⁶. Мазмуми: Саъдий тахаллусига «Шайх» лақабининг қўшилишидан ўқувчилар у (Саъдий) ўзига муридлар овловчи зоҳид экан деган тахминга бормасинлар. Иўқ, бу асло ундаи эмас. Аслида «шайх» сўзи кекса, ёшлихнинг акси бўлиб, илгари олим ва донишманд маъноларида ҳам ишлатилар эди. Бу ерда ана шу иккинчи маънодадир. Шу боисдан Абу Али ибн Синонинг номига Шайхурраисни қўшиб ишлатганлар. Шу ақидадан келиб чиқиб, Садриддин Айний Урта Осиёнинг энциклопедист олими Абу Али ибн Сино ҳақида яратган тадқиқотига «Шайхурраис Абу Али ибн Сино» деб сарлавҳа қўй-

¹⁵ Алишер Навоий, Мажолисун-нафоис, Асарлар, 15 томлик, 12-том, Тошкент, 1966, 39-бет.

ган эди. Бу ўринда «шайхурраис» сўзи «Олимлар олими», олимлар саркори, йирик донишманд, қомусий билимлар соҳиби» каби маъноларда талқин этилган¹⁷. Олимлар, шоирлар, ёзувчилар номи ёки тахаллусидан олдин «шайх» сўзи келганда, уни юқорида таъкидланган маъноларда қабул қилиш, тушунишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ҳаким. Йирик шоир ва ёзувчиларнинг номи ёхуд тахаллусидан олдин сифатловчи сифатида қўлланиладиган сўзлардан яна бири «ҳаким»дир. «Ҳаким» сўзи Фирдавсий, Рудакий сингари форс-тожик шоирлари, ўзбек ҳамда Шарқнинг бошқа бир қатор халқлари таъб аҳлининг мукаммал номи тилга олинганда қўшиб айтилади. Бундай қилинганда хатога йўл қўйилмайди. Аксинча, у ёки бу ижодкорнинг салобати оширилади, унинг фан ва адабиёт оламидаги хизмати таъкидланади. «Ҳаким» сўзининг луғавий маъносини изоҳлаганда луғатларда унинг «табиб, файласуф, донишманд, аллома» оттенкалари борлиги қайд қилинади¹⁸. Устод Садриддин Айний ўзининг «Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»си» номли илмий мақоласида мазкур сўзни янада чуқурроқ изоҳлайди. Таржимаи ҳол ёзган муаллифлар Фирдавсий ўз замонасининг энг етук донишманди бўлгани, араб ва форс тиллари билан бирга, инқирозга юз тутиб, унутилиб кетаётган паҳлавий тилини ҳам билганини ёзадилар. Ҳозир Европада катта олимларга докторлик унвони берилганидек, қадим замонларда йирик олимларга ҳакимлик унвони бериларди. Фирдавсийнинг ҳаким унвонига эга бўлгани замонасининг донишманди эканлигидан дарак беради¹⁹.

Нисба. Илмий жамоатчилик қаламкашлар номига қўшиладиган қўшимчаларни «нисба» ёхуд «унвон» деб атайди. Мавжуд луғатларда «унвон» сўзи тавсифланганда унинг уч хил маъноси борлиги қайд қилинади. Масалан, «Фарҳангি забони тоҷики» луғатининг иккинчи томида унвон арабча сўз бўлиб, ном, нишон, адрес, сарлавҳа, дебоча, нишона, намуна (392-бет) тар-

¹⁶ Айний С. Ҳаёт ва эҷодиёти Саъдӣ. Куллиёт. Душанбе, 1963, чиљди XI, китоби I, сах. 91.

¹⁷ Қаранг: Айний С. Куллиёт. II-том, 1-китоб. 51—87-бетлар.

¹⁸ Навонӣ асарлари луғати, Тошкент, 1972, 762-бет.

¹⁹ Садриддин Айний. Асарлар. Саккиз томлик, 8-том, Тошкент, 1967, 44—45-бетлар.

зида талқин этилади. Таъб аҳлиниңг унвони бобида гап кетганда эса мазкур сўзниңг «Фарҳанги забони тоҷики» луғатида кўрсатилган биринчи маъноси эътиборга олинади. Шоирларниңг унвони баъзан қисқартирилган ҳолда ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, Амир Низомиддин Алишер Навоий, Устод Абулҳасан Рудакий, Амир Низомиддин Шайх Аҳмад Суҳайлий, Мир Ёдгорбек Сайфий ва бошқалар. Мазкур мисоллардаги «амир» («мир» формасида), «низомиддин», «устод» каби сифатловчилар шоирларниңг унвонига ёки номига қўшилган қўшимчалардир. Лекин бу унвонлар исталган ижодкорниңг номига қўшила бермайди. Катта ижодий муваффақиятларга эришган улуғ кишиларгина бундай номлар билан аталади.

Алишер Навоий ва Аҳмад Суҳайлийниң Султон Ҳусайн Бойқаро саройида муҳрдор, вазир лавозимларида ишлаганиклари маълум. Шу боисдан тарихий, илмий-бадиий манбаларда улар ҳақида маълумот берилиганда, олд қўшимча сифатида «мир», «амир» сўзлари ишлатилганлигини исботлайди. Амирдан кейин келувчи «низомиддин» эса шарафли, фахрли унвон бўлиб, Алишер Навоий ва Суҳайлийларниң хизматлари эвазига берилган уивондир. Улар бу унвонга илм-фан, санъат ва адабиётни ривожлантирганиклари натижасида эришдилар. Алишер Навоий мураббийлиги ва ҳомийлигида юзлаб (Мирхонд, Ҳондамир, Беҳзод, Сайфий, Ҳилолий, Восифий ва бошқалар) ёшлар етишиб чиқди, ўнлаб работу мадрасалар, хонақоҳу кўприклар бунёд этилди, ариқ ва қудуқлар қазилиб, халқ хизматига топширилди. Алишер Навоийниң дўсти Шайхим Суҳайлийниң таклифи ва тавсияси билан Ҳусайн Воиз Кошифий «Қалила ва Димна»ни XV аср китобхони тушундиган даражага келтиради ва уни Шайхим Суҳайлий шарафига «Анвори Суҳайлий» деб номлайди. Шарафли унвонлар бугунги совет адабиётида ҳам учрайди.

Бадиий ва илмий ижодда зўр муваффақиятларга эришган санъаткорлар хизматини тақдирлаш, уларни янги ютуқларга парвозлантириш мақсадида партия ва ҳукуматимиз қатор унвонлар ва мукофотлар ташкил этди. Фикримизга «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони», «Ўзбекистон ССР халқ шоири», «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат ар-

боби», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», доцент, профессор, академик каби увонлар, Иттифоқимиз миқёсидаги Ленин мукофоти лауреати, Давлат мукофоти лауреати, Ленин комсомоли мукофоти лауреати, республика характеридаги Ҳамза ва Беруний номидаги, Ўзбекистон Ленин комсомоли номидаги мукофотлар яхши мисол бўла олади. Бундан ташқари, сўз санъаткорлари ва илмий ходимлар эришган муваффақиятлари учун муттасил тарзда СССРнинг орден ва медаллари билан тақдирланиб турадилар. Шуларни ҳисобга олиб, давлатимизнинг шарафли увонлари ва мукофотларини олишга сазовор бўлган ижодкорлар номи тилга олинганда, албатта, уларнинг номига олган увонлари ва мукофотларини қўшиб айтиш лозим. Масалан, Ўзбекистон халқ шоири, Ленин ва Давлат мукофотлари лауреати, академикFaфур Гулом, Ўзбекистон халқ ёзувчisi, Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Комил Яшин, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Уйғун, Н. Островский номидаги Иттифоқ аҳамиятига эга Ленин комсомоли мукофоти лауреати Султон Жўра, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг лауреати, профессор Абдуқодир Ҳайитметов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Эркин Воҳидов, профессор Лазиз Қаюмов, академик Воҳид Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Холида Аҳророва, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Натан Муродович Маллаев, доцент Камол Хайруллаев ва бошқалар.

Мавлоно, Мавлавий, Махдум. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдин яшаб ижод этган деярли барча ижодкорлар ҳақида гап кетгандা, уларнинг номи ёки тахаллусидан олдин «мавлоно», «мавлавий», «махдум» сўзларини қўшиб тилга олиш одат, анъанага айланиб қолган. Бу анъананинг пайдо бўлиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Тазкиранавис, тарихий ва ёднома асар муаллифлари ҳам шу традицияга амал қилишган. Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асари биринчи ўзбек тазкираси ҳисобланади. Навоий томони-

дан қайд этилган 459 таъб аҳлиниң кўпчилиги шу унвонларда ижод қилишган. Мана, бир неча мисол. **Мавлоно Улои Шоший** донишманд киши эрди. Хуш таъблекга барча ҳалойиқ ани мусаллам тутар эрдилар (33-бет). Яна: **Мавлоно Лутфий** — ўз замонининг маликул қаломи эрди, форсий ва туркийда назари йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпроқ эрди ва туркча девони ҳам машҳурдир ва мутааззирул жавоб матлаълари (олдида жавоб айтиш душвор мисралар) бор. Ана шу тарзда **Мавлоно Юсуф Бадийи**, **Мавлоно Атойи**, **Мавлоно Саккокий**, **Мавлоно Сайфий**, **Мавлоно Осафий**, **Мавлоно Биноий**, **Мавлоно Олим** сингари юзлаб қаламкашлар борасида маълумотлар берилади. Баъзи ўринларда эса «мавлоно» ўрнини «мавлавий» (масалан, «Мавлавий Абдураҳмон Жомий») эгаллади. Бу сўз жуда кўп шоирларнинг номига қўшилиб келади. Алишер Навоий Жомий хусусида гапирганда мавлоно, мавлавий сўзлари билан бирга маҳдум, нуран ибораларини ҳам қўшади. Шоир аксарият ҳолларда унинг номини тилга олмасдан мазкур иборалар билан ҳам атайди. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да Мавлоно Соғарий ҳақида маълумот берар экан, бу Абдураҳмон Жомийга ҳам тааллуқлидир.

«...Ҳазрат **Махдумий Нуран** (Абдураҳмон Жомий) Макка сафарига азимат қилғонда, Вайсий ва Соғарий иккаласи мулизаматда борур изҳори қилдилар. Аммо Вайсий эшаги йўқ баҳонаси била ва Соғарий яна бир баҳона била ул сафардан қолдилар ва Амир Суҳайлий бу қитъани алар учун айтти ва эл ичида басе шуҳрат туттиким:

Вайсию Соғарий ба азми ҳарам,
Гашта буданд ҳар душон сафарӣ,
Лек аз он роз ҳар ду во монанд,
Он як аз бехарию ин зи ҳарӣ.

(**Мазмуни:** Вайсий ва Соғарий ҳар икковлари Маккага сафар қўймоқчи бўлдилар. Бироқ у бири эшаги йўқлигидан ва бу бири эшаклигидан ул йўлдан қолдилар)²⁰. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Алишер Навоий «махдум» сўзини ишлатишда жуда эҳ-

²⁰ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Асарлар, 15 томлик, 12-том, Тошкент, 1966, 38-бет. Бундан кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинади.

тиётлик билан иш тутади ва уни Жомийга нисбатан қўл-лайди. Бироқ мазкур сўз кейинги асрларда, хусусан, XIX асрнинг охири ва XX аср бошидаги Бухоро адабий муҳитида тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолган. Масалан, устод Садриддин Айнийнинг асарларида Шарифжон Маҳдум (Садр Зиё), Аҳмад Маҳдум (Аҳмад До-ниш), Исо Маҳдум, Афзал Маҳдум Пирмастий каби шоир ва тазкиранавислар шундай номни олишга муваффақ бўлганлиги эътироф этилади. У Садр Зиё хусусида ёзади: «Шарифжон Маҳдум ёлғиз қолган пайтларида кўп шеър ва бошқа адабий асарлар ўқир, завқли ўринларини баланд овоз билан мен ва Абдулвоҳидга (Мунзим) ўқиб берар, изоҳлар эди. Баъзан «Шоҳнома»га ўхшаш асарларни бизга ўқитиб қулоқ соларди, биз като ўқиган ўринларни у тузатар ва биз тушуна олмаган ўринларни тушунтириб берар эди»²¹.

«Мавлоно», «мавлавий», «маҳдум» сўзлари «ҳаким», «шаҳҳ» сўзлари сингари ўқимишли, донишманд маъносини англатади. **Мавлоно** ва мавлавий арабча сўз бўлиб, бир хил маънони англатади. Эга, соҳиб маъноларида келадиган бу сўзлар олим ва шоирлар номидан оддин келиб, уларниң зукко ва фасеҳлигига кафолат беради. Араб тилидаң олинган маҳдум сўзи улуғ зот, мартабали киши каби маъноларни англатади. Бу сўз олим ва шоирлар номига қўшиб айтилганда билимдон, шеър илми оламидан хабардор, юксак маҳоратли деган маънони англатади.

Хожа. Шоирлар ҳақида тап боргандা, уларнинг номи зикр этилганда «хожа», «хўжа» ва «мирзо» каби унвонлар ҳам ишлатилади. Жаҳон шеърияти хазинасига бебаҳо жавоҳир түхфа этган Хожа Хофиз Шерозий, форс-тожик ва ўзбек тилларида дилбар асарлар яратган Хожа Исматулла Бухорий, ўзбек адабиёти тарихида «Мифтохул-адл» ва «Гулзор» ҳикоялар тўплами билан шуҳрат қозонган Хожа (ибн Абдулваҳобхожа) каби ижодкорлар тахаллусига мазкур унвон қўшиб айтилади. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да Хожа Абдулвафойи Хоразмий, Хожа Салмон Соважий, Хожа Авҳад Муставфий, Хожа Фазлуллоҳ Абулайсий, Хожа Муайяд Меҳна, Хожа Абу Исҳоқ, Хожа Масъуд Қумий

²¹ Садриддин Айний. Асарлар. 8 томлик, 1-том, Тошкент, 1963, 41-бет.

жаби бир қатор шоирларнинг шундай унвон билан машхур бўлганлигини таъкидлайди. Мана, бир мисол: «Хожа Исламтullo — Мовароуннаҳр бузургзодалари динидур. Зоҳир илмин такмил қилинган. Фоят хуш табълигидан ўзин шеърга мансуб қилиб девони машхур бўлди. Ба Хожанинг қабри Бухорода ўз ҳужрасида-дир»²². Унвон вазифасида келган «хожа» сўзини салбий маънода тушунмаслик, уни диний ақидалар билан боғламаслик лозим. Чунки бу ўринда «хожа» сўзи «мавлоно», «мавлавий», «маҳдум», «шайх», «ҳаким» сўzlари билан тенг маънода туради. Мавжуд луғатлар унинг шундай мазмунни англатганини эътироф этади. Масалан, «Навоий асарлари луғати»да «хожа» сўзи бошлиқ, соҳиб, уй эгаси, бошлиғи ҳамда жатта савдогар (658-бет) маъноларини англатади.

Мирзо. «Фарҳанги забони тоҷики»да ушбу «мирзо» сўзи котиб, мунший, Ҳиндистонда лашкар бошлиқларининг лақаби тарзида изоҳланади. Мазкур сўзнинг иккинчи маъноси анча кенг бўлиб, мавзумизга бевосита боғлиқдир. Шунинг учун уни айнан келтирамиз: «Дар охири номи шоҳзодагони сайид насад, масалан, Иброҳим Мирзо ва дар аввали номи одамони босаводи зиёни зикр мёёбад, ҳамчун Мирзо Иброҳим, Мирзо Абдулқодир Бедил» (1 том, 692-бет). «Мазмуни: Сайдлар авлодидан бўлмиш шаҳзодалар исмининг охирида, масалан, Иброҳим Мирзо ва саводли, донишманд, зукко, илми адабдан хабардор, зиёли шахсларнинг номидан олдин келади. Жумладан, *Мирзо Иброҳим, Мирзо Абдулқодир Бедил*. Кўринадики, «Фарҳанги забони тоҷики» муаллифлари «мирзо» сўзининг ишлатилиш ўрнига қараб, моҳиятини алоҳида таъкидлашади. Бу сўзнинг номдан кейин келиши тегишли шахсонинг шаҳзодалигига ўшора бўлса, ном ё тахаллусдан олдин желиши сифатловчи бўлиб, шу унвонни олишга сазовор бўлган шоир ёки олимнинг зиёли, саводли, катта билимдон эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ўз тазкирасида анчагина шоирларни шу унвон билан атайди. Мирзо Хожи Сўфий, Мирзобек ва бошқалар хусусида қисқа маълумот беради. Темурий шаҳзодалар (таъби назми бўлганлари хусусида) ҳақида гапирганда шаҳзодалик биринчи планда

²² Алишер Навоий. Асарлар, 8-том, 14-бет.

туради ва унвон номдан кейин келади. Масалан, Султон Бадиуззамон Мирзо, Улугбек Мирзо, Бойсунқур Мирзо ва бошқалар.

Таъби назми бўлган шахснинг касбу кори, лавозимни кўрсатувчи сўз унинг тахаллусидан олдин ишлатилиши мумкин. Фикримизни тасдиқловчи мисоллар Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» тазкирасида анчагина учрайди. Масалан, Қози Йсо, Қози Муҳаммад И момий ва бошқалар.

Касбу кор ва лавозимни кўрсатувчи сўзниңг тахаллусдан олдин ёки кейин келиш ҳоллари Алишер Навоий ва унинг замондошлиридан кейинги даврларда яшаб ижод этган шоирлар ижодида учрайди.

Юқорида зикр этилганлардан ташқари ҳам олимум шоирлар, фозилу фузалолар номига қўшилиб келадиган «аб», «аби», «абу», «ибн», «бинни» каби қўшимчалари ҳам тез-тез кўзга ташланиб туради. Бундай қўшимчалар луғат ва илмий адабиётларда «кунья» ёхуд «куния», «куният», «кунъят» деб юритилади. Кунъянинг тавсифи «Фарҳангি забони тоҷики»да қуйидагича берилган: «Кунья арабча, лақаби эҳтироми одамон ба расми арабҳо, ки бо «аб», «абу», «аби», «ибн», «ум», ва ё «бинти» меояд. Абу Али, умми Гулсум»²³. Мазмуни: Кунья арабча сўз бўлиб, ҳурмат, эҳтиром ва самимиятни билдиради. Бу лақаб «аб», «аби», «абу», «ибн», «ум», «бинни» формаларида келади. Масалан, Абу Али (Алиниң отаси), умми Гулсум (Гулсумнинг онаси). Кўринаники, луғат авторларининг фикрича, кунъялар араблар ҳисобланади. Устод Садриддин Айний кунъяни сал бошқачароқ изоҳлайди. «Куния — дар истилоҳи арабӣ ҳар номеро, ки бо «аб», «абу», «аби», «ибн» сар карда, ба шахсе нисбат медиҳанд, куния меноманд»²⁴. (Мазмуни: Куния араб терминологиясида «аб», «абу», «аби», «ибн» қўшимчалари билан бошланиб, маълум шахсга тегишлийликка нисбат беришни билдирса, куния дейилади). Демак, устод Айний кунъянинг маълум шахсга нисбатан берилишини ҳам таъкидлайди.

Бизнинг фикримизча, луғат мазкур изоҳни бирмунча тўлароқ берса мақсадга мувофиқ бўларди. Маълумки, «аб», «абу», «аби» сўзлари ота, падар маъноларини анг-

²³ Фарҳангি забони тоҷики, чилди I, саҳ. 574.

²⁴ Садриддин Айний. Қуллиёт, чилд IХ, китоби I, саҳ. 160.

латади. Масалан, Абу Тоҳир, Абу Али — Тоҳирнинг отаси, Алиниң отаси. Шунингдек, «бинни», «бин», «ибн» сўзлари араб тилидан олинган бўлиб, «ўғил», «ўғли» маъноларини англатади. Масалан, Ибни Аҳмад, Бинни Раҳмат, Ибн Вали, Ибн Сино — Аҳмаднинг ўғли, Раҳматнинг ўғли, Синонинг ўғли ва ҳоказо.

«Умм» эса она маъносини англатади. Умми Рухсора, Умми Нодира — Рухсоранинг онаси, Нодиранинг онаси. Кунъя арабча эҳтиромни англатмасдан, балки ижодкор кимнинг фарзанди эканлигини ҳам қўрсатади. Айрим ҳолларда мукаммал кунъя келтирилганда, ном эгасининг энг жатта бобосигача саналади. Мисоллар: *Абу Абдулла Жаъфар бинни Муҳаммад*, *бинни Ҳаким*, *бинни Абдураҳмон*, *бинни Одам Рудакий Бухорий* (*Самарқандий*), *Ҳаким Абдулқосим Ҳасан бинни Исҳоқ бинни Шарафишоҳ Фирдавсий*, *Муҳаммад бинни Аҳмад Абу Райҳон Беруний* ва ҳоказолар.

Бону, Нисо, Ҳоним. Шарқ халқлари адабиёти тарихида шоирлар билан бир қаторда ўнлаб етук шоиралар яшаб ижод этган. Шоирлар тахаллусидан олдин келувчи изоҳловчи, сифатловчи сўзлар бўлгани каби шоиралар ҳақида талкимга ҳам худди шу анъана кўзга ташланади. Тарихий, илмий, бадиий манбалар шоиралар хусусида маълумот берганда, уларнинг ном ёхуд тахаллусларидан ё олдин ва ё кейин «хоним», «бону», «нисо», «отин», «отинча», «ойим», «мулло», «ойиммулло», «бегим» сингари сўзларни қўшишган. Юқорида зикр этилган сўзларнинг маънолари бир хил эмас. Улар ўртасида маълум тафовут, айни чоқда ўхшаш томонлар ҳам мавжуд. Шунингдек, уларнинг ишлатилиш ўрни ҳам ҳар хил. Ҳатто айримлари санъаткорнинг яшаш териториясига қараб турлича ишлатилади. Жумладан, «отин», «отинча» сўзлар кўпроқ Тошкент ва Фарғона водийсидаги ижодкорларга хос бўлса, «мулло», «ойиммулло» каби сўз ва иборалар бухороликлар учун характерлидир. Зикр этилган сўзларнинг маъно жиҳатидан ўхшашлиги кўпроқ жинс тушунчасини бериб қолмай, аниқроғи, жинсни қўрсатади. Луғатларда ушбу сўзлар хотин, аёл, ойдек гўзал аёл, хоннинг хотини ёки қизи, юқори табақага мансуб аёл ёхуд қиз жаби маъноларни амглатади.

Юқорида қайд этилган сўз ва иборалар давр ўтиши билан ўз маъносини ўзгартиради. Агар «хоним», «бе-

гим», «бону», «нисо» сингари сўзлар дастлабки пайтда юқори табақага мансубликни билдирган ва номга қўшимча сифатида қўшиб ишлатилган бўлса, кейинчалик мустақил ном сифатида қўлланилган. Унинг функцияси ўзгариши билан мазмунин ҳам кенгая борган. Кейинчалик бу сўзлар ёқимли, эстетик дидли, дилкаш, тўузал, иффатли, маданиятли; одобли, саводли аёл жаби маноларни англатган. Шу нуқтаи назардан шоираю бокира, нозимаю зеболар номига бу қўшимчалар қўшилиб келганда ўқимишли, билимдон, шеършунос, зукко аёл сифатида тушунилган, халқ ўз севимли шоираларини сийлаб, эъзозлаб ушбу қўшимчалар, иборалар билан атаб желган. Зебуннисо, Маҳастихоним, Нодирабетим (Моҳлар ойим), Жаҳон отин (Увайсий), Бону, Нозимахоним, Анбар отин ва бошқа ўнлаб таъби назми бўлган дилбар ва дилкаш аёллар халқ ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган.

Ўзбек ва форс-тоҷик адабиёти ижодкорларининг тахаллус ва номларидан олдин уларнинг ҳофиза қувваси, тафаккур доираси, бадиий маҳорат бобидаги мавқеи каби фазилат, хислат-хусусиятларни кўрсатувчи қатор сифатловчи сўзлар қўшиб айтилган. Уларнинг мөҳиятини англамоқ ва ҳар қайсисини ўз ўрнида қўлламоқ адабиёт муҳлисларининг шарафли бурчидир.

Тахаллуслар тилга кирганда

Тахаллусларнинг классификацияси, мазмунни хусусида мушоҳада юритишдан олдин шу соҳага дахлдор икки муҳим масала устида тўхталиш зарур. Булардан бири — тахаллуснинг пайдо бўлиш тарихи ва иккинчиси унинг қўлланиш сабабидир. Маълумки, Эрон ва Арабистонда исломгача бўлган даврда ёзма адабиёт ривожланган. Эрон ёзма адабиётида дастлаб қоғияланган проза (сажъ) пайдо бўлиб, унинг ўринини аста-секин шеърият эгаллай бошлаган. VI—VII асрларда пайдо бўлган шеърий асарларда шоир сўзи қўлланмаган, балки унинг ўрнида қўшиқчи сўзи ишлатилган Манбаларнинг гувоҳлик беришича, VIII аср бошидан бошлаб «шоир» сўзи ёзма адабиётда қўллана бошлаган. Сўнгги Сосонийлар даврида коллектив бўлиб ижод қилишдан кўра якка ижод қилиш кучайган. Мисол тариқасида ҳинд эпоси «Панчантантра»нинг Аб-

дулла иби ал-Муқаффий томонидан қайта ишланған-лиги ва бу асарнинг «Шоҳларниң катта китоби» номи билан шуҳрат қозонғанлигини кўрсатиш мумкин²⁵. VIII—IX асрларда поэзия тараққий этган. Шеърият-ниң ғазал, қасида, қитъа, рубойи каби жаирлари шаклламган ва уларниң ажойиб намуналари яратилган. Худди шу даврда Аббос Марвозий, Абу Ҳавс Суғдий Самарқандий, Абу Соли Гургоний каби шоирлар пайдо бўлган ва уларниң шуҳрати узоқ-узоқларга тарқатан.

Шеърият, унинг қасида, қитъа, марсия каби жаирлари араб ёзма адабиётида исломгача бўлган даврда ривожланган. Исломгача бўлган араб шеъриятида бўғинларниң қисқа ва чўзиқлиги асосланган шеърият-ниң ўн олти ўлчови вужудга келган²⁶. VII асрда араб шеъриятида қасидачилик мактабининг шаклланғанлиги, Хассон иби Собит сингари етук вакиллар вояга етганини улуг ўзбек шоири Алишер Навоий ўзининг қатор асарларида қайд этади. Шуниси характерлики, юқорида номлари зикр этилган ижодкорларниң аксарияти ўз номи билан эмас, балки тахаллуслари билан шуҳрат қозонган. Аббос исмидан кейин келган Марвозий, Абу Ҳафсадан сўнг Суғдий Самарқандий, Абу Солиҳга қўшилган Гургоний каби сўзлар тахаллус маъносида кўлланиб ижодкорларниң Марвоз, Самарқанд, Гургон шаҳарларидан бўлганлигига ишора қиласи.

Араб ва Эрон адабиётида тахаллус қўллаш VII—VIII асрларда одат тусига кирган экан, бу масаланинг форс-тожик ва ўзбек адабиётида қачон пайдо бўлганлиги ва анъянага айланғанлигини кўздан кечиришга тўғри келади. Тожик адабиётшунослигига бу мавзу тарихини ўрганишга доир диққатга лойик анчагина ишлар қилинди. Жумладан, профессор Е. Б. Бертельс ўзининг «Форс-тожик адабиёти тарихи» номли китобида сўфизм йўналишидаги адабиётда тахаллус қўллаш XI асрда, прогрессив адабиётда эса сал кейинроқ пайдо бўлган бўлса керак, деган тахминни ўртага ташлайди. Жумладан, у ёзади: «...Тахаллус дунёвий лириканинг илк наималарида деярли учрамагани ҳолда, сўфий поэзияси тараққиётининг илк давларида ёқ Бобо Кўхий (1050).

²⁵ Литература Востока в средние века. Часть II, под редакцией академика Н. И. Конрада, проф. члена-корр. АН Тадж. ССР И. С. Брагинского, проф. Л. Д. Поздневой. М., 1970, с. 10, 24, 40.

²⁶ Там же, с. 219.

йилда ўлган), Абдулла Аисорий (1088 йилда вафот этган), Аҳмад Жомий (1141 йилда вафот этган) асарларида учрайди²⁷. Академик А. М. Мирзоевнинг «Х—XV асрларда ғазалчилик тараққиёти», «Биноий» номли иирик илмий тадқиқотларида эса тахаллуснинг ғазалга киритилиши масаласи ёритилади. Олим тахаллуснинг ғазалга киритилиши XII асрнинг ижоничи ярмида пайдо бўлган деб ҳисоблайди. Муҳими шундаки, академик А. М. Мирзоев ўзининг бир қатор тадқиқотларида лирик асарларда тахаллус бўлишини инкор этмайди. Мана, у бу ҳақда шундай ёзади: «Унутмаслик зарурки, XII асрнинг биринчи ярмида ғазал мақтаъида тахаллуснинг бўлиши шартлиги одатга айланмаган эди. Шунинг учун ҳам Муизийнинг 60 ғазалидан биронтасида ҳам мақтаъда тахаллус кўринмайди, Абдужалил Саноий «Девон»идаги 376 ғазалдан фақатгина 103 тасида тахаллус мақтаъда келади»²⁸.

А. Мирзоевнинг асосий эътибори бу ерда ғазал жанрининг тўла шаклланиш масалаларига қаратилган. Тоҷик адабиётининг донишманди, профессор И. С. Брагинский ғазалнинг шаклланиш жараёнини ва унинг мақтаъида тахаллуснинг келишини X—XI асрлардан бошланганлигини кўрсатади. Профессор И. С. Брагинский ўз фикрини тасдиқлаш мақсадида Рудакий девонидан қўйидаги иқтибосларни келтиради: «Ту Рудакиро, эй моҳру, ҳаме бинй». «Рудакӣ чанг бигирифту навоҳт», «Дар ишки ту Рудакӣ шудам сер аз ҷон» ва ҳоказолар²⁹. Келтирилган парчада шоир ўзи ҳақида учинчи шахста мурожаат тарзида ёзади, шу билан бирга, шоирнинг турли жанрлардаги асарларидан келтирилган мазкур сатрларда «рудакӣ» сўзин муаллифнинг тахаллуси вазифасида келганлиги аён бўлади. Юқорида уч иирик олимийнинг тахаллус қўллаш масаласига доир фикрларини келтирдик. Шулардан профессор Е. Э. Бертельсенинг фикрлари ҳақиқатга яқин эмас. Чунки XI асргача, яъни Бобо Қўҳий, Аисорий каби сўфий шоирларга қадар Абу Абдулла Рудакий ва Абулқосим Фирдавсийлар яшаб ижод этганлар ва улар ўз тахаллуслари билан эл ўрта-

²⁷ Там же, с. 519.

²⁸ Мирзоев А. М. Рудаки и развитие газели в X—XV вв. М., 1968, с. 271.

²⁹ Брагинский И. С. Из истории таджикской и персидской литературы. М., 1972, с. 170.

сида катта шуҳрат қозонгандар. Фирдавсийнинг буюклигини Е. Э. Бертельснинг ўзи ҳам эътироф этади. Жумладан, у ёзади: «Х—XI аср бошларида поэзия қанчалик шорлоқ бўлмасин, у гениал шоир Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони олдида хиралашиб қолади»³⁰. Бироқ у бир ёқлама фикрни илгари суради. Бу жиҳатдан академик А. М. Мирзоев ва профессор И. С. Брагинский-ларнинг фикрлари мантиқан асослидир. Шундай қилиб, форс-тожик адабиётида, шеъриятида тахаллус қўллаш масаласи X асрдан анъанага айланадиган, деган фикрни илгари суриш мумкин.

Тахаллус қўллаш масаласи ўзбек адабиётида узоқ тарихга эга. Ўзбек адабиётининг йирик донишмандлари бу масалани ўз тадқиқотлари ва дарсликларида қайд қиласидилар. Хусусан, таниқли адабиётшунос олим Н. М. Маллаевнинг энг қадимги адабий ёдгорликлардан бошлаб XVII асрга қадар бўлган ўзбек адабиёти хусусида кенг маълумот берувчи «Ўзбек адабиёти тарихи», академик В. А. Абдуллаев ва профессор Ф. К. Каимовларнинг шу номдаги (II—III китоблар) дарсликлирида бу масалага алоҳида эътибор қилинади. Булардан ташқари, академик В. Заҳидов, профессор А. Қаюмовларнинг бир қатор илмий тадқиқот ва монографияларида тахаллус тўғрисида қимматли фикрлари баён қилинган.

Араб, эрон, форс-тожик адабиётларида шеъриятнинг пайдо бўлиши, унда тахаллуснинг қўлланилиши VII—VIII асрга бориб туташар экан, шу халқлар билан бир ижтимоий шароитда турмуш кечирган, бир дарёдан сув ичиб, бир территорияда деҳқончилик қилган, расму русумида, урф-одатида тафовут бўлмаган ўзбекларда ёзма адабиёт тожиклар билан бир даврда пайдо бўлганлиги ва унда ижодкорлар номи, тахаллусининг ифодаланганлиги шак-шубҳасиздир. «Урхун-Енисей ёдгорликлари»да туркларга тегишли айрим саркарда ва давлат бошлиқларининг бошқа ном ёки унвон билан юритилишига доир ишоралар мавжуд. Мазкур ёдгорликдан олинган қўйидаги парча диққатга сазовор. Унда шундай ёзилади: «716 йили Қопоғонхон ғолибона урушдан сўнг, тасодифан ҳалок бўлган. У ўзи ҳаёт пайтида катта ўғли

³⁰ Бертельс Е. Э. История персидско-таджикской литературы, с. 169.

Кучукхонни ворис деб эълон қилган эди. Тахтга даъвогар эса аиъаналарга биноан тардушлар шоди (бошлиғи) Могилян эди. Элнинг амалда бошлиғи Кул Тегин эди. Кучукхон тахтга ўтиргач, Кул Тегин тўнтариш ўтказади. Кучукхон ўлдирилади, унинг вориси алп Элэтмиш қочади. Кул Тегин ҳокимиятга акаси тардушлар шоди **Могилянни Билка Қоғон** номи билан ўлтиргизади³¹. Яна бир бошқа характерли момент ҳам шу битикларда ўз аксини топган. Бу факт давлат бошлиғи ва саркардага тегишли бўлмай, балки бевосита ижод ва ижодкорга дахлдордир. Юқорида номи зикр этилган Кул Тегин вафотидан сўнг, унинг қабри устида ёдгорлик тоши пайдо бўлади. Аммо қабр устидаги бу ёдгорликда ном ва сана ифодаланмай, балки саркарда саргузаштини баҳс этувчи битиклар ёзилган. Профессор А. Қаюмовнинг таъкидлашича, бу ёзувнинг ўзи иккига — кичик ёзув (110 мисра) ва катта ёзув (428 миср) га бўлинган. Жами 538 мисралик шеърий битикда Кул Тегиннинг ҳаёт йўли — ҳарбий юришлари, жангларда кўрсатган жасоратлари, туркларни бирлаштириш йўлидаги ҳаракатлари тавсифидан сўнг унинг вафотига доир марсия қисми ўйиб ёзилган. Мазкур сатр ижодкорининг номи ҳам тошга ўйиб ёзилган. У Кул Тегиннинг набираси Йўллуғ Тегинидир. Йўллуғ Тегин Кул Тегин ҳақидаги таас-суротларини, қарашларини ҳам ифодалашга уринган. У қўйидагиларни мурожаат қилиб ёзади:

Оға инимлар, ўғлоним
Бирлашган улусим, будуним (халқим)
Ўнгдаги шод, апа беклар.
Сўлдаги тарқат буйрак беклар³².

Бу фактлар, биринчидан, VII—VIII асрларда турк шеърияти анчагина ривожланганлигидан далолат берса (акс ҳолда қабр тоши устида 538 мисралик шеър битилмаган бўлур эди), иккинчидан, ижод этилган асарлар муаллифи номининг кўрсатилиши одат тусига кирганлигидан гувоҳлик беради. Шундай бўлмагандан эди, Йўллуғ Тегин ўз номини кўрсатмаган бўлар эди. Турклар ўртасида ҳам асар автори номини қайд қи-

³¹ Қаюмов Азиз. Қадимият обидалари. Тошкент, 1972, 106-бет.

³² Ҳаша асар, 107-бет. Шеъларнинг таржимаси ҳам А. Қаюмовнинг қаламига мансубдир.

лиш анъанаси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Туркий рун ёзувларидан сўнг ўзбек олимлари ва ёзувчилари ўртасида асарга ўз номи ўрнида тахаллусини қўллаш анъанага айланган. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошфарий ва Аҳмад Юғнакий сингари зукколарнинг тахаллуси борлиги ва уларнинг шу «сохта ном» билан шуҳрат қозонганлиги фикримизнинг исботидир. Шарқ халқлари адабиётида тахаллус қўллаш тарихи VII—VIII асрларга бориб тақалади.

Санъаткорлар ва донишмандлар томонидан тахаллус танлаш ва уни ўз асарларида ишлатиш сабаблари ёзма ёдгорликларда (тарихий, бадий асар ва тазкираларда) ўз аксини топмаган. Шу сабабли бу ўринда айрим ишораларга суюниб иш кўришга тўғри келади. Рус адабиётида тахаллусларнинг пайдо бўлиши ва қўлланилиш сабаблари, унинг турли хил кўринишлари хусусида мулоҳаза юритган В. Г. Дмитриев «Сохта ном»ни қабул қилиш»га туртки бўлган бир неча омилларни кўрсатиб ўтади. «Авторларнинг ўзларини рўйирост маълум этмасликларининг сабаблари хилма-хилдир. Улардан бир қисми ўз ҳақиқий исмини таъқиб этилишидан қўрқиб яширишга мажбур бўлган бўлса, бошқа бир қисми ўз фамилиясининг хунуклиги ёки ўзи жамиятда тутган мавқенининг унга адабиёт майдонида рўйирост чиқишга имкон бермаслиги сабабли ўз исмини яширган. Ёш бошловчилар ҳам, машҳур адаблар ҳам ўзларини танқид тифидан четга тортиш мақсадида адабий тахаллуслар паноҳида яширганлар. Ёзувчиларнинг бошқа тоифаси эса тахаллусчилик анъанага айланганлиги учун, бошқа бирорлари эса фамилиядошлиждан қутулиш учун тахаллус танлашган бўлса, яна бир групла эса китобхонларни чалғитиши, уларни «сохта ном» остида ким яширганлигини ўйлашга мажбур этиш мақсадида тахаллус остида яширган.

Шон-шуҳратга бефарқ қараашлик ёки камтарлик сабабли ўз ҳақиқий номини кўз-кўз қилмаган, уни маълум қилишни хоҳламаган авторлар ҳам учраб туради³³.

Тахаллусшунос олим Валентин Дмитриев рус адабиётида тахаллуснинг пайдо бўлниш сабабларини ат-

³³ Дмитриев В. Г. Скрытие свое имя, с. 5.

рофлича асослаган. «Ўз исмини яширганлар» номли китобида илгари сурилган фикрларни тасдиқлайдиган, илмий хуносаларини тўла асослай оладиган характерли фактларни келтиради. Булар масаланинг биринчи томонидир. Унинг иккинчи томони шундан иборатки, В. Г. Дмитриев илгари сурған фикрларини ўзбек адабиётига татбиқ қилиш масаласидир. Албатта, унинг ҳамма фикрларини ўзбек адабиётига татбиқ қилиб бўлмайди. Цензура таъқибидан қочиш, фамилияning мақсадга мувофиқ эмаслиги, ижтимоий аҳволнинг йўл бермаслиги, адабий танқид ўтидан сақланиш, матбуотни чалғитиш ва ўқувчилар оммасини ўйлантириш, шуҳратни хоҳламаслик ва камтарлик намунасини жўрса-тиш мақсадида ўз фамилиясини яширишга интилиш каби ҳолатлар рус адабиёти учун хос хусусиятлардир. Аммо шуни айтиш лозимки, буларнинг аксарияти ўзбек адабиёти тарихи фактларига тўғри келмайди.

Урта Осиёда китоб нашр қилиш тарихи XIX асрнинг II ярмига тўғри келади. Юқорида айтиб ўтганимиздай, тахаллус қўллаш масаласи тарихи VII—VIII асрларга бориб тақалади. Тахаллус танлаш фамилияning маъқул тушмаслиги масаласи билан боғлиқлигини жўрсатувчи фактларни ўзбек адабиёти тарихида учратмадик. Европада йирик бой, катта мулк эгаси, таниқли ва эътиборли шахснинг ёзил-чизиш билан шуғулланиши қандайдир файритабиий ҳолат ҳисобланган. Мулкдорлар нашр этилган асарлари учун гонорар олишдан орқилганликлари учун ўз фамилияларини яширганлар. Бу хусусиятлар Шарқ адабиёти учун хос эмас. Чунки нашриёт бўлмагандан кейин пул тўлайдиган ташкилот ва қалам ҳақи хусусида гап бўлиши мумкин эмас. Гонорар олишдан орқилиш туфайли ёки яна бошқа сабаблардан бўлса керак рус ва Европа адабиётларида аноним асарлар вужудга келган. Ҳатто айрим ҳалқларда бадиий асарларни муаллифларнинг фамилияси-з эълон қилиш ҳоллари учрайди. Буни корейс адабиёти мисолида кўриш мумкин. Ўзбек тилига ағдарилган «Бёва кишининг хийласи» номли асарнинг аннотациясида: «Қадрли китобхон! Қўлингиздаги тўпламга XIX асрда яшаган корейс ёзувчиларининг новеллалари киритилган. Ўша давр одатига кўра, корейс ёзувчилари ўз асарларига номларини қўйишмас эди.

Бу бойсдан ҳам китобдаги новеллаларда авторларнинг исми кўрсатилмаган», деб таъкидланади³⁴.

Матбуотни чалғитиш, ўқувчиларни ўйлашга мажбур қилиш, адабий таңқидчиликнинг ҳужумидан сақланиш каби сабаблар Шарқ адабиёти учун характерли эмас. Рус адабиётининг XVI—XVII асрлардаги тараққиётининг тезлашуви XVIII—XIX асрларга келиб, унинг ўсиш чўққисига кўтарилиши билан боғлиқ равишда адабиётшуносликнинг фан сифатида шаклланиши учун қулай шарт-шароит яратган. Китоб нашрининг жонланиши, маҳсус журнallарнинг вужудга келиши ва унинг атрофида прогрессив ғоялар билан қуролланган таникли ижодкорларнинг жипслашуви ана шу процессни янада жадаллаштирган. Натижада XIX асрга келиб, рус революцион-демократларнинг отряди вояга етди. Уларнинг санъат ва адабиётга бағишлиланган йирик асарлари адабий жамоатчиликка манзур бўлди. Айни замонда улар мавжуд адабий масалалар билан жиддий шуғулланиб, яратилаётган ҳар бир асарни атрофлича таҳлил қилиш туфайли унинг камолини белгилаб бердилар. Бунда В. Г. Белинский, Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбов ва бошқаларнинг хизмати катта.

Шарқ халқлари тарихида бадиий адабиёт учун жонкуярлик қилувчи бундай давр кўзга ташланмайди. Тўғри, Шарқда қофия, аruz вазни, бадиий санъат, айрим жанрларнинг (ғазал, қасида, рубоий) назарий масалаларига бағишлиланган илмий ишлар, шоирлар ҳақида маълумот берувчи тазкиралар вужудга келган ва улардан айримлари бизгача етиб келган. Бироқ бу асарларда бадиий жараён тараққиёти учун жонкуярлик, адабиётининг ижтимоий-сиёсий функциясини барқарор қилиш учун жураш, ёзувчининг дунёқарашини шакллантириш ва талантини ҳар қандай хавф-хатардан асраб, мақсадга мувофиқ шаклланишини тўла таъминлаш учун (рус революцион-демократларида бўлганидек) ғамхўрлик қилиш етишмас эди.

Тазкираларда унинг муаллифи ўзи тўплаган материаллар асосида ижодкорлар ҳақида маълумот бериш билан чекланган. Кўпинча тазкиранавис тўплаган материалнинг етакчи қисмини ривоятлар (хусусан, Мұхаммад Авфий Бухорийнинг «Лубобул-албоб») ва

³⁴ Бева кишиининг ҳийласи. Тошкент, 1970.

шоирлар ижодидан келтирилган намуналар ташкил этган. Бунинг устига мазкур асарларнинг қўлда кўчирилиши ҳам анча қийинчилкларни туғдирган. Кўринадики, Шарқ халқлари адабиётида матбуотни чалғитиш ва адабий танқиддан қочиш учун зарурат йўқ эди.

В. Г. Дмитриев томонидан тахаллус ҳақида илгари сурилган мулоҳазаларда ўзбек ва форс-тожик адабиётларига тегишли томонлар ҳам мавжуд. Шарқ халқлари адабиёти учун биринчи галда тахаллуснинг пайдо бўйишида цензура эмас, балки шоҳлар, дин ва шариат пешволарининг таъқибидан қўрқиш туртки бўлганлиги ҳақидағи фикр характерлидир. Исломгача бўлган давр араб адабиётининг йирик вакилларидан бири Абдулла ибн ал-Муқаффий ўзи яшаётган даврдаги идора усулидан норозилик билдирганлиги, эркин фикрларни ўртага ташлаганлиги учун 759 йилда осиб ўлдирилган. Худди шундай фожиа VIII асрда фаолият кўрсатган Исмоил ибн Ясар, Башибар ибн Бурд Тоҳириспинийлар бошига тушган эди. Султон Маҳмуд Фазнавийни ҳажв қилгани учун Абдулқосим Фирдавсий унинг ғазабига дучор бўлганлиги, кексалик чогида умрини дарбадарликда ўтказганлиги маълум. Таниқли ижодкор адаб Собир Термизий ҳам бундай таъқибдан четда қолмаган. У тириклиайн Амударёга оқизилган. Булардан ташқари, амалдор, шайх-зоҳидларнинг сир-асорорини фош қилганликлари учун ижодкорлар дарёда оқизилган, осиб ўлдирилган, тириклиайн териси шилиб олинган. Ажаб эмас, тахаллус остида яширинишга шу фожиалар сабаб бўлгандир.

«Рус адабиётида бир хилдаги фамилияли кишиларнинг кўплиги, шунингдек, ўзга ном билан юритилиш «мода бўлганлиги» тахаллусга зарурат ҳозирлаган» — деган фикр Шарқ адабиётига хосдир. Чиндан бир қишлоқда «Аҳмад», «Раҳмат», «Вали», «Наби» жаби номлар билан ўнлаб кишиларнинг аталиши шу жойдан етишиб чиққан донишманд ва шоирни ўйлантириб қўйган бўлиши мумкин. Улар кишиларни чалғитмаслик мақсадида тахаллус танлаганлиги ҳақиқатга яқин. Бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда.

Халқ ўртасида кенг тарқалган мана шу анъана туфайли бир қишлоқда ёки бир маҳаллада бир исмдаги бир неча киши бўлса, уларни бир-биридан ажратиш,

фарқлаш мақсадида ёши, бўй-басти, семиз-ориқлиги, характер-хусусияти, жасбу коридан келиб чиқиб, уларга «қўшимча юм қўйиш» — лақаб қўйиш ҳоллари давом этмоқда. Масалан, катта Мамлакат, жичик Мамлакат, Анақул ароба, Саттор тулум, Вали бурун, Халил хасис, Болта тракторчи, Аҳад ширин, Усто болта, Эгамберди узун, Ҳайдар дўлоб, Мурод магазинчи, Қўзи қассоб, Отакул дўхтур, Ҳоди калта, Тилав тогора ва ҳоказо.

Иккинчидан, «мода» масаласи, яъни адабиёт оламидаги традицияларга эргашиш, уни давом эттиришга интилиш форс-тожик ва ўзбек адабиёти учун ҳам муштарак ҳодиса. «Лайли ва Мажнун» сюжети асосида Шарқ ҳалқлари адабиётида юз элликка яқин асарнинг вужудга келганлигидан илм аҳли хабардор. Шунингдек, Низомий Ганжавийнинг «Хамса»чилик традициясини давом эттириш мақсадида Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳожум Кирмоний, Мавлоно Ашраф, Абдулло Хотифий сингари ўнга яқин донишмандларнинг шеърият майдонида жавлон урганилиги кўпчиликка маълум. Бундай ҳодисани лирик жанрлар, хусусан, ғазалчилик мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Академик, А. М. Мирзоевнинг таъкидлашича, XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шоир тахаллусининг ғазал матлаида келиши қоидага айланган. Бу анъанага кўра сўнгги асрларда яшаб ижод этган санъаткорлар ёзган ғазалларининг 90—95 фоизида тахаллус ишлатганлар. Шундай экан тахаллусни барҳаёт ва бардавом адабий анъаналардан бири сифатида алоҳида қайд этишга тўғри келади. Фикримизнинг исботи учун арабларнинг Жамил исмли шоири тақдирига (701 йилларда вафот этган) тегишли воқеани келтирамиз: Жамил ўзи мансуб бўлган қабиладан Бусайн исмли қизни севади ва унга ишқий қўшиқлар бағишилайди. Бироқ Бусайннинг авлод-аждодлари Жамилнинг муҳаббатига қарши чиқишиди ва қизни бошқа бирорвга бериб юборишади. Жамил билан Бусайн ўртасидаги муҳаббатнинг хазон бўлишига араблар урф-одатига кўра аёлни мадҳ этишнинг ман этилганлиги сабаб бўлди. Гўё Жамил бу ишқий ғазаллари билан қиз обрўйини поймол қилган³⁵. Ғазал ёзмоқ эса аёлни улуғ-

³⁵ Литература Востока в средние века, часть II, с. 247.

ламоқ, ишқни куйламоқ демакдир. Жамил ва Бусайнлар фожиаси такрорланмаслиги учун шоирлар «сохта ном»га мурожаат қилишни афзал кўрганлар. Бу фикр озар адабиётшуноси Малик Маҳмудов томонидан ҳам илгари сурилади. Унинг ёзишича, «Исломиятнинг илк даврларида ғазал ёзиш таъқиб этиларди, ғазал ёзган шоирлар оғир жазоланаарди»³⁶. Шу жазодан қутулишнинг йўли эса номини пинҳон тутиш ва унинг ўрнида тахаллус қўллашдир. Бундай мисоллар тарихда жуда кўп. Аммо шу фактнинг ўзи Шарқ халқлари ўртасида тахаллуснинг пайдо бўлишида фоже воқеалар сабаб бўлганлигидан шаҳодат беради.

Адабиётшунос Одилжон Носиров ўзбек ғазалиёти хусусида баҳс юритар экан, ўз монографиясида адабий тахаллусга боғлиқ айрим фикрларни ҳам баён этади. У профессор Е. Э. Бертельс ақидаларига суюнган ҳолда қуидаги сабаблар ҳақида баҳс юритади. Унингча, ўтмишда шоир асарларининг омма ўртасида кенг тарқалишида ҳофизларнинг хизмати катта. Саводсиз бўлган омма куйланётган ғазалнинг кимники эканлигини унда ифодаланган тахаллус орқали билиб олади. Иккичидан, ғазаллар ўзининг вазни, мавзуи, қофијаси, радифи билан бир-бирига ўхшаганлиги сабабли унинг кимнинг қаламига мансуб эканлиги номаълум бўлиб қолган. Шунда бу ғазалнинг кимга тегишли эканлигини унда қўлланган тахаллус аниқлаб берган. Учинчидан, классик шеърият терминологиясининг бинокорликка нисбат берилиши, шеър тузилишининг уй қурилишига ўхшатилиши айрим хulosалар чиқаришга имкон беради. Жумладан, байт — уй, руҳ — устун, тарсеъ — айвон ва ҳоказо. Модомики шундай экан, бинони ниҳоясига етказган меъмор замалнинг кимга тегишли эканлигини ҳам қайд этади. Ана шу одат шеъриятга кўчган бўлиши мумкин³⁷. Юқорида эслатилган мулоҳазалар Шарқ халқлари турмуш тарзидан келиб чиққанлиги учун улар ҳақиқатга яқин. Бизнингча, эслатиб ўтилганларга яна бир моментни қўшиш зарур. Шарқ халқлари адабиётида шеърият етакчи роль ўйнайди. Маълумки, шеърият жанрлари ҳажм жиҳатидан ихчам

³⁶ Маҳмудов Малик. Хотиб Табризийнинг адабий-танқидий қарашларига доир. «Озарбайжон» журнали, 1966, 11-сон, 204-бет.

³⁷ Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. 14—15-бетлар.

бўлади ва уларга кўп сўзлилик юс эмас. Ўзгатларда «назм» сўзи изоҳланганда у «маълум ўлчов»даги ишга қимматбаҳо дуру жавоҳирларни тизиш» деб таъкидланади. Демак, шеърият билан шуғулланувчи шоир ўқни аниқ нишонга олиши — айтмоқчи бўлган фикрини лўнда, аниқ, таъсирчан ифодалаши зарур. Бунинг учун у ҳар бир сўздан мақсадга мувофиқ фойдаланиши лозим. Узун, кўшалоқ ва айтиш қийин бўлган исмлар шеъриятга гўзаллик бахш этолмайди, балки униң кўркини бузади. Ана шу ҳаётй зарурат туфайли шоирлар ихчам, мазмунли ва жарангдор номни қидиргандар. Тахаллуснинг пайдо бўлишига сабаб бўлганлардан яна бири эстетик идеал масаласига боғлиқлигидир.

Маълумки, ота-оналар фарзандларига ўз дунёка-рашлари, савиялари, орзу-умидлари нуқтани назаридан ном қўядилар. Улрайиб маълум соҳа, бўйича шуҳрат қозонаётган истеъдод соҳиби учун отаси қўйган номнинг мазмуни мувофиқ келмай қолиши мумкин. Шундан кейин у ўз эстетик позициясига мувофиқ ном — тахаллус танлайди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тахаллус Шарқ халқлари адабиётида VII—VIII асрларда пайдо бўлиб, узоқ асрлар давомида яшаб келмоқда ва ҳозирги кунда узукка қўйилган тилла кўз-дек бадииятимизга ўз муҳрини босмоқда.

Тахаллус давом этади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли СССРда социалистик тузум қарор топди. Асрлар бўйи эзилган меҳнаткаш халқ шонли Октябрнинг инурафшон зиёсидан чексиз баҳраманд бўлди. Тенглар ичра тенг бўлган Совет Шарқи халқларининг ҳам иқболи ёруғ бўлди. Бахтли истиқбол уфқлари сари ҳамиша олға чорловчи социалистик тузум шароитида янги адабиёт туғилди. Совет адабиётининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиётида В. И. Ленин ва у асос солған Коммунистик партия, Совет давлатининг оталарча ғамхўрлиги бекиёс бўлди. Қардош адабиётлар сингари ўзбек совет адабиёти пайдо бўлишининг дастлабки кунларидан бошлаб Совет ҳокимияти душманларига, буржува миллатчиларига, адабиёт ва санъат ходимларига, пантуркист ва панисломистларга, «Санъат санъат учун» назарияси тарафдорларига қарши шафқатсиз ўт очди.

Ўзбек адабиётининг боявий ва бадиий жиҳатдан бақувват бўлишида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Муҳаммад Шариф Сўфизода, Абдулла Қодирйларнинг хизматлари катта бўлди. Умуман, адабиёт Октябрь революцияси туфайли ҳар томонлама ўси. Агар инқилобга қадар асосан поэзия етакчи тур бўлиб келган бўлса, инқилобдан кейин проза, драматургия ҳам ривожлана бошлади. Дарҳақиқат, минг йиллар давомида классик шеъриятда, умуман, бадиий адабиётда ҳукм сурған тахаллусни янги адабиётда қўллаш зарурати борми? деган савол туғилади. Бу борада тахаллусга доир илмий ишларда баъзи бир мулоҳазалар илгари сурилган. Масалан, В. Г. Дмитриевнинг «Ўз исмини яширганлар» китобида, Олтойнинг «Адабий тахаллуслар ҳақида» номли мақоласида тахаллус танлашга асосий сабаб — вақтли матбуот саҳифаларида синфий душманларни, бой-амалдор ва руҳонийларни фош этишга бағишлиланган асарларни очиқ имзо билан эълон қилиш, шахсий низо, келишмовчилик ва қарама-қаршиликларнинг кучайишига сабаб бўлиши мумкинлиги кўрсатилади. Ҳақиқатан ҳам қиёфаси фош этилган собиқ бой, амалдор, савдогар, руҳоний ёки муштумзўр ўзини танқид қилган мухбир ёки адибдан турли йўллар билан ўч олишга ҳаракат қилган.

Совет адабиёти ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган ўзбек совет адабиётининг гуркираб ўсишида матбуот муҳим роль ўйнади. Янги социалистик воқелик позициясига ўтган ва унда мустаҳкам турган ижодкорлар партия атрофида уюшдилар. Уларнинг дастлабки асарлари совет матбуоти орқали ўқувчилар қалбидан катта жой олди. Бу икки томонлама характер касб этди. Биринчидан, матбуот атрофида уюшган ижодкорлар унинг масъул ходимлари сифатида иш юргизиб, газета-журналларнинг омма ўртасига етиб бориши, Коммунистик партия сиёсатининг тарғиб қилинишига муносиб ҳисса қўшдилар. Иккинчидан, совет матбуоти ёш ва қобилиятли ижодкорлар учун катта университет вазифасини ўтади. Даврий матбуотнинг қизғин ва қайноқ ҳаёти уларни ўз гирдобига тортди, чиниқтирди ва қаламларининг чархланишига, тафаккур оламининг кенгайишига, ижод уфқларининг кўп қиррали бўлишига имкон берди. Шунинг учун йирик сўз санъаткорлари ўз камолотларида совет матбуоти ролининг буюкли-

гини зўр қониқиши ва камоли эҳтиром билан эътироф этдилар. Масалан, Ўзбекистон халқ шоири, Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреатиFaafur Fулом бу хусусда бундай ёзади: «15 сентябрдан (1928) бошлаб «Камбағал дәҳқон» газетасига секретарь бўлиб хизматга кирдим. Газетачилик менинг ижодий ўсишим учун университетлик ролини ўйнади. Ер ислоҳоти ўтиб, колхозлаштириш даври етган, қулоқларга қарши қураш қизғинлашган, шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам синфий қураш ғоятда авжга мингандар пайтлар эди, бирор кун йўқ эдики, «Қизил Ўзбекистон»да, «Камбағал дәҳқон»да, «Муштум»да ё бошқа журнал, газетада бирор мақолам, фельветоним, очерким ё шеърим босилмаса»³⁸.

Масаланинг учинчи, бевосита тахаллусга дахлдор томонини ҳисобга оладиган бўлсак, газеталарда босиладиган танқидий материал, фельветон, ҳажвиянинг муаллифлари, Faafur Fулом, Уйғунга ўхшаш ёзувчи ва шоирлар эди. Дарҳақиқат, давр тақозоси 20—30-йилларда ҳақиқий исем ва фамилияни пинҳон тутишни табаб қиласа эди. Қатор журналист, ёзувчи, шоирларга нисбатан бу даврда ҳужумнинг кучайиши ва айrim ҳолларда эса бу қарама-қаршиликнинг фожиа билан яқунланиши уларни тахаллус — яширин ном билан матбуотга чиқишлиарини тақозо қиласа эди. Босмачи Эргаш қўрбошини қаттиқ ҳажв қилганлиги учун Убайдулла Завқийнинг қаттиқ калтакланиши ва 1929 йилда руҳонийлар томонидан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг тошбўрон қилиб ўлдирилиши, «Озод Бухоро» (ҳозирги «Бухоро ҳақиқати») газетасининг ходимларидан Сироҷ Шарипов, Низомхўжа Муҳаммадиев, Ҳотам Каимовларнинг 1930 йилларда синфий душманлар томонидан фожиали ўлдирилиши юқоридаги фикримизга далил бўла олади. Ана шу сабабларга кўра, ўзбек совет адабиёти намояндалари мавсумий тахаллуслар қабул қилиб, «яширин номлар» билан ўз асарларини эълон қилганлар. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «...Шу йил августда (1924) ой куйди. Ярим кечаси бутун шаҳар тарақ-туруқ бўлиб жетди: бирор қозон чалган, бирор то-

³⁸ Faafur Fулом. Кечмиш ва кечирмишларимдан. Адабиётимиз автобиографияси. Тўпловчи ва сўз боши муаллифи Л. Қаюмов, Тошкент, 1973, 178—179-бетлар.

Воқ синдирган... мен тұнғи шаҳарни тасвир қилиб ҳаж-
вий шеър ёздим. Шеър шундай бошланар әди:

Чиқди шаҳардан бала-бом,
Турли-туман ногоралар.
Уч минг кетмөн эгри бўлиб,
Мингта қозон синди, воёв!

Шеърни «Норин Шилпиқ» имзоси билан «Муштум» журналига юборган әдим, босилиб чиқди. Шундан кейин «Муштум»нинг деярли ҳар сонида «Норин Шилпиқ» имзоси билан асарларим босилиб юрди. «Қизил Ўзбекистон», «Муштум», хотин-қизлар газетаси «Янги йўл»да «Норин Шилпиқ», «Мавлоно Куфур», «Гулёр», «Эркабой», «Э-бой» имзолари билан қатнашиб турдим³⁹. Бундай ҳолни ўзбек совет адабиётининг бошқа вакиллари фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Садриддин Айний вақтли матбуот саҳифаларида «Айн», «Азғич», «Бир кечалик», «Футурист», «Бир мусоғир», «Бухородан бир киши», «Ёлғон рўзадор», «Ёлғончи», «Зимғойиб», «Йдора» каби имзолар билан қатнашиб турган. Абдулла Қодирий эса «Шоший», «Алимов», «Жулқунбой», «Бойқуш», «Думбулбой», «Думбул жиани», «Думбулдевона», «Думбулбой ўғли», «Эл-бой», «Жарқинбой», «Жиян» ва ҳоказоларни пинҳон ном сифатида қўллаган⁴⁰. Ёзувчи Шариф Ризонинг 1931—1933 йилларда «Шодимат», «Комсомол», «Дилшод», «Алқар», «АЗамат», «Ошно», «Суръатжон», «Сумбул», «Журналист» тахаллуслари билан 300 дан ортиқ очерк, ҳикоя, фельетонлари эълон қилинган⁴¹.

Ана шу тариқа ўзбек адабиётида талайгина мавсумий ёки вақтинча тахаллуслар вужудга келган. Мамлакатда қулоқлар, бойлар, босмачилар синф сифатида тугатилгач, мамлакат қишлоқ хўжалигида колектив хўжаликлар қарор топгач, маданий инқилоб амалга оширилгач, индустрлаштиришда катта ғалабалар қўлга киритилгач ҳаётимиизда туб сифат ўзгаришлари юз бера бошлади. Булар янгиликнинг эскилил устидан улкан ғалабаси әди. Совет тузумининг куч-

³⁹ Қаҳҳор А. Озгина ўзим ҳақида. Адабиётимиз автобиографияси, 190—191-бетлар.

⁴⁰ Кориев Бойс. Адабий тахаллуслар ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1967, 1-сон, 51—58-бетлар.

⁴¹ Олимов Адҳам. Шариф Ризо (Ҳаёти ва ижоди). «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1974, 4-сон, 70-бет.

Куввати бенихоя ҳаётбахш асбсларга эга. Булар туфайли журналист ва ёзувчиларга синфий душманлар томонидан бўлиб турадиган хавф-хатарлар батамом барҳам еди. Санъаткорлар учун эркин ижод этишга кулагай шарт-шароитлар, кенг имкониятлар туғилди. Шундан кейин адабий тахаллусга муносабат авторнинг ўз эрки-хоҳишига боғлиқ бўлиб қолди⁴². 20 ва 30-йилларда ишлатилган тахаллуслар бугунги кунда архайклашиб қолди. Ҳатто уларнинг кимга тегишли эканлигини аниқлаш бугунги авлодга анча мушкул. Масалан, «Бухоро ҳақиқати» газетасида ишлатилган мавсумий тахаллуслар сони юздан ортиқ бўлиб, уларнинг кимга тааллуқлилигини аниқлаш эндиликда муаммо бўлиб қолмоқда. Бу ҳодисани республика, облость газеталари мисолида яққол кўриш мумкин. Марҳум Боис Қориев (Олтой) томонидан бошланган хайрли иш ўз ниҳоясига етса нур устига аъло нур бўлар эди.

20 ва 30-йилларда бадний асарларни матбуотда ўз фамилияси билан эълон қила олмаслик ҳодисаси ҳозирги кунда ўз эрки, миллий өзодлиги, ҳақ-хуқуқи учун курашаётган мамлакатларда ҳам давом этмоқда. Реакция ва таъқиб жучаяётган ҳозирги шароитда миллий мустақиллик ва тараққиёт учун курашаётган мамлакатларнинг адиллари ўз асарларини сохта номлар остида эълон қилмоқдалар. Масалан, Жанубий Африка Республикасининг шонри Марселино дос Сантос-нинг шеър ва поэмалари матбуотимизда неча марта лаб босилган. Унинг дастлабки шеърлари «Литературная газета» саҳифасида 1957 йилда эълон қилинган эди. Унинг асарлари газёта ва журналларимизда тез-тез босилиб турди. Аммо бу асарлар Марселино дос Сантос имзоси билан эмас, балки Лилинью Микайя, Карлас Калунгано ва К. Маала тахаллуслари билан чоп этилади. Бунинг сабаби бор, албаттА. Ўз халқи

⁴² Ҳозир ҳам газета ва журналларда, хусусан, уларнинг ҳажвиёт ва сатирага бағишлиланган бўлимларида («Наштар», «Қармоқ», «Гулқайчи», «Одил Балиқчи» ва бошқалар), «Муштум» саҳифаларида «сохта номлар» — тахаллуслар билан материаллар чоп этилмоқда. Бу кимдандир ва нимадандир қўрқиш туфайли бўлмай, балки бир фамилияни бир сонда бир неча марта тақрорламаслик (баъзан бир сонда маълум авторнинг 2 материали берилши мумкин), ўқувчиларни қизиқтириш, айни чоқда эътиборни кўпроқ жалб қилиш каби сабабларга кўра қўлланилади.

миллий озодлигий учун кураштаётган Жанубий Африка Республикасининг жасур, курашчи фарзанди ҳаётининг ҳар дақиқаси хавф остида қолғанлиги сабабли эрк ва озодлик душманлари уни ўз ораларидан йўқотишга ҳаракат қилаётганликлари учун у ўзининг ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилувчи, баҳт-саодатини тараннум этувчи, меҳрибон ҳалқини курашга даъват қилувчи оташин шеърларини ўз фамилияси билан эмас, балки тахаллуси билан эълон қиласди. Бунинг характерли томони шундаки, Марселино дос Сантоснинг тахаллусида кураш руҳи акс этган. Жумладан, Марселино дос Сантос тахаллусларидан бирини Лидия Некрасова қуидагича изоҳлайди. Маълум бўлишича, Лилинью Марселино дос Сантоснинг ёшлиқда эркалаб айтилган номи, Макайя — ўтнинг бир тури бўлиб, жуда ўткирлиги сабабли, юлмоқчи бўлғанларнинг қўлини қирқаркан⁴³. Демак, унинг тахаллуси ғамзий моҳиятга эга. Асримизнинг 60-йилларида Марселино дос Сантоснинг она ҳалқи ўз мустақиллигини қўлга киритиш баҳтига эришди. Шундан сўнг у Совет Иттифоқига хат йўллаб, асарларини ўз фамилияси билан эълон қилишни сўради. Унинг илтимоси қондирилди. 1961 йилдан бошлаб унинг асарлари очиқ имзо билан эълон қилинмоқда. Марселино дос Сантос бошига тушган оғир кун ҳозир ҳам миллий мустақиллигини қўлга кирита олмаган ҳалқлар ҳаётида юз бермоқда.

Шаклан миллий, мазмунан социалистик совет адабиётида, шунингдек, унинг жанговар отрядларидан бири ҳисобланган ўзбек совет адабиётида пайдо бўлган тахаллусларнинг ҳаммаси ҳам юқорида кўрсатилган ҳаётий эҳтиёж туфайли қабул қилинмаган. Уларнинг аксарияти ўзбек ва бошқа Шарқ ҳалқларининг класик адабиёти ҳаётбахш анъанаси таъсирида вужудга келган бўлса, бошқа бир қисми эстетик идеал туфайли майдонга келган. Азиз китобхонларга «Қутлуг қон», «Навоий», «Олтин водийдан шабадалар», «Қуёш қораймас», «Нур қидириб», «Болалик», «Улуғ йўл» сингари йирик прозаик асарлари ва ўнлаб поэма, шеърий тўпламлари, илмий мақолалари, публицистик асарларини мерос қилиб қолдирган буюк адаб Мусо Тош-

⁴³ Некрасова Л. Конец псевдонима. «Литературная газета», 1961, 25 июля, № 88.

Мұхаммедовни Сөвет Иттифоқида, шунингдек, чёт Мам-
калатларда исму фамилияси билан әмас, балки «Ой-
бек» тахаллуси билан танишади ва ҳурмат қилишади.
Шундай фикрларни Раҳматулла Отакүзиев — Уйғун,
Мақсуд Маъсумбек ўғли — Шайхзода, Манзура Соби-
рова — Ойдин, Абдураҳим Абдуллаев — Файратий, Ко-
мил Нуъмонович Нуъмонов — Яшин ва бошқалар ҳа-
қида ҳам айтиш мүмкін. Ойбек, Уйғун, Ойдин, Шайх-
зода, Файратий ва Яшинлар дастлабки асарларини шу
тахаллуслари билан әзълон қилишган ва умрларининг
охиригача ҳам унга содиқ қолишимоқда. Қуёшли рес-
публикамиз ижодкорларининг бошқа бир гуруҳи эса
бевосита ўз исму фамилиясини ўрнида қўллаб ижод
қилишди ва қилишимоқда. Ҳамид Олимжон,Faфур
Гулом, Султон Жўра, Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдул-
ла, Шариф Нурхон, Ҳамид Гулом, Иброҳим Раҳим
шулар жумласидандир. Бу ерда номлар ўз ҳолича қол-
дирилиб, фамилиялардаги -ов, -ев қўшимчалари олиб
ташланган. Шу туфайли улар анча қисқариб, шоиро-
на тус олган ва адиларимизнинг адабий тахаллуси
сифатида шухрат қозонган. Ўзбек адабиётининг Куд-
дус Мұхаммадий, Амин Умарий, Раҳмат Файзий, Ду-
шан Файзий каби вакиллари ҳам юқоридаги тахаллус-
лар остида ижод қилишади. Бу ҳодиса ҳам тахаллус
танлашда ўзига хос йўл бўлиб, унда ижодкорнинг номи
тўла сақланади, отасининг исмига эса-ий қўшимчаси
қўшилади. Миртемир (Турсунов), Зулфия (Исройлова),
Мирмуҳсин (Мирсаидов), Сайёр (Пўлатов) каби санъ-
аткорлар номини тахаллус ўрнида қўллашни маъқул
кўришган ва шу ном — тахаллус билан эътибор қозо-
нишган. Юқоридаги таснифларга киритилмай қолган
ёзувчи, олим ва шоирлар ўз исми ва фамилияси билан
юритилади. Буларга Шароф Рашидов, Назир Сафаров,
Йўлдош Шамшаров, Улмас Умарбеков, Аҳаджон Ҳа-
санов, Нельмат Аминов, Йўлдош Муқимов ва бошқа-
ларни кўрсатиш мүмкін.

Хуллас, тахаллус танлашда санъаткорлар ўтмиш
анъаналарига риоя қилиш билан бирга, замон зайди-
ни ҳам ҳисобга олмоқда. Бу ҳодиса тахаллус танлаш-
нинг форма ва усуллари хилма-хиллигини кўрсатиш
билан бирга, унга бўлган эстетик муносабат — талаб
ҳам кун сайн ошиб бораётганлигидан гувоҳлик бе-
ради.

Тахаллус чаманзори

Теран мазмунли, қўйма, жарангдор, нағис, сиқиқ тахаллуслар ўз муаллифи эстетик дидини намойиш қилиши билан бирга, ўзгаларга ҳамроҳат баҳш этади. Сиз чуқур хаёлга чўмасиз, узоқ тафаккур қиласиз ва ғоят мазмунли тахаллус ижодкорларига минг-минг тасанин айтасиз. Адабий тахаллус ҳар бир сўз санъаткорининг маънавий дунёсини кўз-кўз қиласди, беқиёс хислат-фазилатларини, табиатини китобхонга маълум қиласди. Улуғ шоир ва буюк мутафаккир Алишер Навоий тахаллусга ғоят эътибор берган. Алишер Навоий ўзбек тилида бунёд этган асарларига «Навоий» тахаллусини қўллаган. Умрининг охирги йилларида ёзилган «Лисонут-тайр»да бу анъанани тарқ этиб, унда «Фоний» тахаллусини ишлатган. Алишер Навоий бу масалада шубҳа туғдирмаслик мақсадида ўқувчиларга изоҳ беришни лозим топған ва фикрларини «Лисонут-тайр»нинг «Бу китобда тахаллус тафиирининг узри» деган қисмида ўз тахаллусининг «тафиири» масаласи билан чекланиб қолмасдан, балки умуман тахаллус бобидаги қарашларини, эстетик позициясини ифодалади:

...Үйлаким ҳар кимса неким қилғуси,
Баъзи ишта бор аниңг бир белгуси.
Ким ўзи тахсисига имлодур ул,
Мұхри ё тавқиъ ё тамғодур ул.
Сағҳа дебосио назм иншосидур,
Ким тахаллус назими тамғосидур.
Бу нишони бирла топти имтиёз,
Не вараким назм қилди аҳли роз —
Ким бу Саъдий ё Низомийнинг дурур.
Ё бу Ҳисравнинг, бу Жомийнинг дурур.
Форсий назм ичра чун сурди қалам,
Назмнинг ҳар синфини қилди рақам.
Менки турқ алғозига айлаб шурӯъ,
Назм топти табъу килкимдин вуқуъ.
Чун саҳоби табъим ўлди дурфишон,
Назмима эрди Навоийдин нишон.
Даҳр боғида бўлуб комим раво,
Комронлар топти назмимдин наво.
Файз еткач ул маонийдин манго,
Топти белгуг назми Фонийдин манго.
Чун «Лисонут-тайр» оғоз айладим,
Турфа қушлар бирла парвоз айладим.
Мунда ансаб эрдиким тузғоч наво,
Бўлса назмимга Навоийдин адо —
Ким наво қушлар тили алҳонидур,

Дилкаш афғони ҳазин дўстонидур.
Туркӣ услуб эрди ҳам бу достон,
Топкудек эрди Навоийдин нишон.
Бу рақамда Фоний айларга лақаб,
Мустамаъ бўлғонга айтурмен сабаб...
Гарчи бу икки таносиб ёр эди,
Назмима ҳам бу тахаллус бор эди.
Гар тахаллус мунда Фоний айладим,
Бу таносиблардий они айладим⁴⁴...

Кўринадики, Алишер Навоий масаланинг тарихидан гап бошлайди. Шоир ёшлиқда назм шайдоси бўлганлиги, «турк алфози» — лафзида кўнгилда пайдо бўлган гаройиботларни ифодалагани хусусида гапиради. Жаҳон шеъриятида ўзидан яхши ном қолдириб, унинг боғини муаттар ҳидли рангли гуллар билан беzagан Шайх Муслиҳиддин, Илёс Юсуф ўғли, Яминиддин ибн Маҳмуд ва жомлик Абдураҳмонларнинг балий асарларидағи тамғалари — Саъдий, Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Жомий эди. Навоий ана шу буюклар изидан борди, уларнинг форсий назмлари ни ўзга ҳис-ҳаяжон билан ўқиди, қўп нарса ўрганди. Устозларининг ҳурматини сидқидилдан бажо этди ва икки тилда (форс-тожик ва ўзбек тилида) қалам тебратди. Бунинг учун иккита тахаллус танлади. Форстожик тилларида яратилган шеърларига «Фоний», туркӣ тилида яратилган шеърларига «Навоий» тахаллусини қўйди. Алишер Навоий ана шундай изоҳот — лирик киришлардан сўнг асл мақсадга ўтади, тахаллус қўллаш масаласида содир бўлаётган «жузъий» ўзгаришлар учун ўқувчидан узр сўрайди. Келажак авлод қийналмасин, чалкаш фикрлар ҳосил бўлмасин учун ўзбек тилидаги асарида «Фоний» тахаллуси қўйилаётганининг боисини тушунтиради. Навоий тахаллусга шунчаки, бошқалардан фарқ қилувчи формал восита сифатида қарамайди. Аксинча, тахаллусга ўз эстетик позицияси нуқтаи назаридан эътибор қиласи ва шундай юксак мезон, ўта талабчанлик меъёри билан унга баҳо беради. Демак, тахаллуснинг эстетик ва социал моҳиятини Навоий қалб-қалбидан чуқур тушунади. Бу фазилат, айниқса, унинг «Лисонут-тайр» асари учун қўл келади. Биргина сўз шоир ниятларининг таржимони бўлиб, у айтмоқчи бўлған ғояларни, мақсад-

⁴⁴ Алишер Навоий. Асарлар, II том, 241—243-бетлар.

муддаони ўқувчига етказиш баҳтига мұяссар бўлади. Шу жумлани чуқурроқ таҳлил этиш учун «Лисонут-тайр» хусусида озгина мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқдир. Алишер Навоий болалик йилларида Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут-тайр» асарини ёддан билган. Шоир 1500 йилда «Лисонут-тайр» асарини ўз итномига етказди. Алишер Навоий олтмиш йиллик умри давомида тўплаган ҳаётий тажрибасини, ҳаёт, инсон, мавжудот, илоҳиёт ва бошқа воқеа-ҳодисалар, нарсалар хусусидаги қарашларини умумлаштиради, бу борадаги позициясини янада ойдинлаштиради. Алишер Навоий камтарлик билан «Лисонут-тайр»ни Ф. Аттор асарининг таржимаси, дейди. Аслида бундай эмас. Тўғри, у Ф. Аттор талқин этган аллегорик образларни сақлайди, қушларнинг тариқат воийси бўйлаб сафарини давом эттиради, Семурғни излашига халақит бермайди. Бу қушларнинг аксарияти афсонавий Семурғни излаш йўлида ҳалок бўлади. Улар борилиши лозим бўлган нуқтага ҳам етишади, аммо Семурғ топилмайди. Ана шунда Навоий достон марказида турган масала мөхиятини равшан қилувчи, ўз позициясини кўрсатувчи фалсафий мисраларни яратади:

Қўрдилар ўзин қаёнким тушди кўз,
Оллоҳ-оллоҳ, не ажойибдур бу сўз.
Ким қилиб Симурғ ўттуз қуш ҳавас,
Ўзларин кўрдилар ул Симурғу бас⁴⁵.

Бу мисралар мұхтарам ўқувчини ўйлантириб қўяди. Ўқувчи чуқур ҳаёл оламига гарқ бўлиб, узоқ ўйлайди, фикрлайди ва ниҳоят XV аср тарихий ҳаёти, фалсафий қарашлари даврасида сайр этади. Навоийнинг худо, табиат, мавжудот ва унинг гултожи саналган инсон хусусидаги холосаларини тушуниб етади. Буларнинг ҳаммасини бир-бир тушуниб етгач, синтез — якунига келади. Алишер Навоийнинг улуғлиги шундаки, у ҳақиқий ҳаётда яшаб тургани ҳолда уни фаҳмламаслик ва инкор этиш, афсонавий «ҳаёт» излашни ва бу йўлда қурбонлар беришни ўта бемаънилик деб ҳисоблайди. «Лисонут-тайр»нинг «Мантиқут-тайр»дан фарқи фақат шу билан эмас. Алишер Навоий ўқувчини юқорида қайд қилинган фикрга олиб келиш учун достонга ўнлаб характерли ҳикояларни қўшади

⁴⁵ Ўша жойда, 120-бет.

ва бу ҳикоялар билан ўз позициясини аниқлаб олади. Мазкур ҳикоялар Ф. Аттор асарида учрамайди. «Лисонут-тайр»га «Фоний» тахаллусини қўллаш мақсадга мувофиқ келади ва ҳаёт устидан шоир ҳукмининг тантасини намойиш этади. Ўқнинг нишонга аниқ етгани мерган ҳунарининг баландлигидан нишона бўлса, адабий тахаллуснинг кўзланган мақсадга мувофиқ ишлатилиши ижодкор маҳоратининг юксаклигидан, тафқур дунёсининг бекёслигидан далолат беради. Алишер Навоийнинг бу асарида аллегорик образлар, рамзлар, тимсолларга суюнишидан мақсади тамоман ўзгача эканини ўзи тан олади ва уни ёзib ҳам қолдиди ради. Шоир ўзининг «Муҳокаматул-луғатайн» асарида бу ҳақда қўйидагиларни ёзади: «Чун «Лисонут-тайр» алҳони била тараннум тузипмен, қуш тили ишорати била ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузупмен»⁴⁶.

Алишер Навоийнинг тахаллус ҳақидаги қимматли фикрлари, унга нисбатан тутган позицияси инқилобгача бўлган ўзбек адабиётининг барча вакилларига хосдир. Шу боисдан ҳам улар адабий жараёндати бу анъанага бефарқ қарашмаган, аксинча, уни қабул қилишдан олдин жиддий мулоҳаза юритишган, маълум бир принципга қатъий амал қилган ҳолда имкони борича ҳеч ишлатилмаган, қўлланмаган сўзлардан тахаллус танлашга уринишган.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида бу традиция кенг тарқалади. Бу жиҳатдан Шарқнинг аллома санъаткори, буюк реалист ёзувчи Садриддин Айний қолдирган адабий мерос катта аҳамиятга эга. Жумладан, устоднинг қомусга қиёс этгулик асарларида тахаллус хусусида диққатга сазовор мулоҳазалар баён этилган. Устод ақидаларининг муддаога тааллуқли эканлигини инобатга олиб, уларни тўлароқ келтиришни маъқул кўрдик. Устод Айний ёзади: «Мен бу ерда ўзимнинг адабий тахаллусларим ҳақида бир неча сўз ёзишим лозим. Бухорога қелишимнинг дастлабки йилларида одамлар (баъзи кимсаларни истисно қилганда) менга кўп паст назар билан қараб, таҳқиромуз оҳангда саҳройи (қишлоқи) деб атар эдилар. Шу муносабат билан мен паст маънодаги «Сифлий» сўзини тахаллус қилишга қарор қилдим. Аммо кейинроқ бу

⁴⁶ Алишер Навоий. Асарлар, 16-том, 120-бет.

тахаллус ўзимга маъқул бўлмади. Одамлар мени паст деб билишса, бу уларнинг иши. Аммо ўзимни ўзим нега паст санай. Паст, тубан маънодаги «сифлий» сўзини тахаллус сифатида ишлатишдан воз кечдиму, ўзимнинг қашшоқ, муҳтоҷлигимга иқрор бўлдим ва муҳтоҷий сўзини ўзимга тахаллусликка муносиб кўрдим. Шундан сўнг ёзган шеърларимдә вазнга сиғишига қараб гоҳ «Муҳтоҷ», гоҳ «Муҳтоҷий» тахаллусини ишлата бошладим⁴⁷. Кўринадики, ушбу парчада тахаллус танлаш билан боғлиқ бўлган икки-уч муҳим принцип ўз ифодасини топган. Булардан бири, атрофдаги одамлар, муҳит ва жамоатчилик таъсирида тахаллуснинг вужудга келиши масаласи бўлса, иккincinnиси, ижодкорнинг ижтимоий аҳволига боғлиқ тарзда тахаллусларнинг танланиши, учинчиси, шеър вазни тақо зоси билан тахаллус вазифасидаги сўзнинг баъзан ўзгартириб ишлатилиши масаласи ҳисобланади. Садриддин Айний ўз мулоҳазаларини давом эттирад экан ҳайёт маشاққатлари, турмуш қийинчиликлари қийноғида ўз ҳайётида содир бўлган айрим жузъий ўзгаришлар таъсирида «Жунуний» тахаллусини ўзига раво кўрганлигини таъкидлайди. Бу ўринда тахаллус танлаш йўлидаги учинчи принцип, яъни ижодкор характер — хусусиятидаги белгилар, ҳолатларни ҳам тахаллус танлашда маълум таъсири борлиги намоён бўлади. Бу ўринда устод Садриддин Айнийнинг фикрларини келтиришни лозим топдик: «У вақтларда баъзи муллабаччалар, хусусан, бухоролик муллабаччалар ва муллазодалар шеър айтиш ҳавасига тушиб қолардилар, ҳатто алифбе саводига эга бўлмаганлари ҳам уларнинг бу орзуларига моне бўлмасди. Аммо шеър машқ қилиб, бирор байти майдонга келтиришдан олдин ўзлари учун тахаллус қидирадилар. Ҳар бири бу сўзни танлаб, ўзига тахаллус қилиб олар, бир-бирига шу тахаллус билан мурожаат этиб завқланар, тахаллусларнинг маъносини сўраб-сурештирас, ўша сўзнинг тахаллус бўлишга муносиб ё номуносиблиги ҳақида мунозара қилишар, ҳар қайсиси ўзига ўз тахаллусини афзал деб ҳисобларди. Тахаллуснинг афзаллиги ҳақида уларнинг биринчи далили шу сўзнинг камёб, ажойиб бўлишида,

⁴⁷ Садриддин Айний. Асаллар. Саккиз томлик, биринчи том, Тошкент, 1963, 54—56-бетлар (Бундан кейинги парчалар ҳам шу китобнинг кўрсатилган бетларидан олинган).

ҳозирги ва ўтган замон шоирлари тарафидан тахаллус сифатида ишлатилмаган бўлишида эди». Ушбу парчада уч характерли принцип мавжуд. Айрим адабий муҳитда тахаллус тайлашнинг шунчаки ҳою-ҳавас, «мода» учун хизмат қилганилиги (зинҳор ҳалқчил шоирлар эмас) характерли ҳолатлардан бири бўлса, иккинчи муҳим томони, тахаллус вазифасида келувчи сўзнинг мазмуни, маъноси, масаласидир. Бу принцип ғоят характерли бўлиб, бунга ҳалқчил шоирлар, айниқса, қатъий эътибор беришган. Учинчи муҳим томони, у ёки бу сўзнинг тахаллус вазифасида қўлланган-қўлланилмаганлигидир. Бир тахаллусда ўнлаб шоирларнинг қалам тебратиш, ғазалда ёҳуд қасидада тахаллусдан бўлак белгиларнинг ифодаланмаслиги, матбуот, нашриётнинг йўқлиги туфайли бир талай чалкашликлар содир бўлди. Айниқса, бир тахаллусдаги шоирлар шеърларининг аралашгани хусусида адабиёт тарихи ўнлаб фактларни билади.

Устод Садриддин Айний ўзбек ва тожик адабиётининг катта билимдони эди. Тарихий фактларни билиш бобида устод олдида жасорат пайдо қилиб, ундан ўтадиганлар йўқ деса, хато бўлмас эди. Бир тахаллусда бир неча шоирларнинг қалам тебратиши зукко ва фасеҳ доњишмандларни ҳам чалкашликларга олиб келди. Адаб навоийшунослик бобида катта меҳнат қилиб ана шу соҳанинг шаклланиши ва камол топишига сезиларли улуш қўшганлардан ҳисобланарди. Унинг «Улуг ўзбек шоiri Алишер Навоий», «Навоий ва тожик адабиёти» каби мақолалари, шунингдек, тинмай изланишлар натижасида яратилган «Ҳамса»нинг қисқартирилган варианти совет навоийшунослик фанининг улкан ютуғидир. «Ҳамсâ»ни пухта ўрганиш ва қисқартириш, нашрга тайёрлаш, унинг «Ҳазойинул-маоний асари билан шуғулланиш, форс-тожик тилидаги меросини чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш заминида устоднинг «Алишер Навоий» номли монографияси вужудга келди. 1948 йилда Тоҷикистон давлат нашриётида нашр этилгân бу илмий тадқиқот устодга катта шуҳрат келтирди. Мазкур монографияда Фоний — Навоий адабий меросидан намуналар илова қилинди. Қасида, рубоий, муаммолар билан бир қаторда шоирнинг 97 ғазали киритилди. Навоийшуносликнинг 40-йиллардаги тараққиёти шуни тақозо этарди. Чунки Навоийнинг ўзбек тилидаги адабий мероси кенг тарқал-

ган ва у хусусда илмий ишлар вужудга келган, алоҳида китоб ҳолида босилиб чиқсан эди. Буни Фоний — Навоий мероси бобида айтиб бўлмас эди. Шуни ҳисобга олиб Садриддин Айний турли тарқоқ манбалардан Фоний тахаллуси билан муҳрланган асарларни тўпладики, уларнинг сони минг байтга етди. Аммо уларнинг икки юз байтдан ортиқроқ қисми тадқиқотчида шубҳа туғдирди. Шу боисдан монографияга етти юз ўн бир байти киритилди.

Кейинги йилларга қадар Фоний — Навоий форс-тоҷик тиљидаги асарлари куллиётининг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаганилиги устод олдида турган мушкулотни янада оғирлашириди. Буни қалбдан ҳис этган Садриддин Айний кутилиши мумкин бўлган чалкашликларни қайд қилди. Сўнгги йилларда профессор Ҳамид Сулаймонов томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар, хусусан, ёш олим Шамсулла Девонаевнинг Фоний Кашмирий адабий меросига доир ишлар бу чалкашликларни аниқлаш имконини берди. У Садриддин Айний монографиясига киритилган ғазаллардан тўқсон биттаси Фоний Кашмирийга тааллуқли эканлигини исботлади. Кўринадики, тахаллусдан бўлак аниқ ва ишончли белгиси бўлмаган классик шоирлар адабий мероси ҳақида фикр юритиш маълум эҳтиёткорликни талаб этади. Айниқса, бир тахаллусда бир неча шоирнинг бир тилда асар яратиши бу мушкулотни янада оғирлашириди.

Устод Айний ўз тахаллуси тарихига доир мулоҳазаларини давом эттиради. «Менинг шеър ёзишимни эшишиб тахаллусим ва унинг маъносини сўрай бошладилар. Бу сўроқлар жонимга тегди. Маъноси кўп бўлган сўз топиб тахаллус қилмоқчи бўлдим. Шу мақсад билан лугат китобини варақлар эдим, кўзим «айн» сўзи га тушди. Лугатда бу сўзнинг 48 хил маъноси кўрсатилган эди. Энг муҳимлари чунончи, шулар: 1) кўз, 2) қулоқ, 3) офтоб ва яна бошқалар. Мен бу сўзнинг кўз ва қулоқ маъноларига нисбат бериб, ўзимга «Айний» тахаллусини қабул қилишга қарор этдим»⁴⁸.

Демак, устод Айний сўнгги тахаллусга қадар изланган. Адиб қатъий бир фикрга келгунга қадар «Сифлий»,

⁴⁸ Садриддин Айний. Асарлар. 1-том, Тошкент, 1963, 55—56-бетлар.

«Мұхтожий», «Жунуний» қаби тахаллуслар билан асарлар яратған. Аммо үзининг гувоҳлик беришича, унинг юқоридаги тахаллуслари билан яратилған асарлари муаллиф томонидан йўқ қилиб юборилған. Устоднинг «Жунуний» тахаллуси XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида яшаган, жуда қисқа умри давомида ажойиб лирик асарлар ижод этган Ҳайратнинг «Гоҳи Жунунийга итоб туморин осардинг, гоҳи Камолийга шириң сўз айтардинг» мисрасида сақланған, холос.

Устод Садриддин Айний «Эсдаликлар» асарида «Айний» тахаллусини ўзига қабул қилишдан аввал мазкур сўзниң бошқаларга «Сохта ном» вазифасида ишлатилған-ишлатилмаганлиги билан ҳам қизиққан. Қатъий бир хуносага келиш мақсадида у шоирлар ҳақида маълумот берувчи қатор тазкираларни кўздан кечирган. Устоднинг ёзишича, у Лутф Алибек Озарийнинг «Оташкада» ҳамда Давлатшоҳ ибн Бахтшоҳи Самарқандийнинг «Тазкиратуш-шуаро» асарларини синчиклаб ўрганган. Шеършунослик ва тарих билишда эътироф этилган ўратепалик Мулла Холдан маслаҳат олган. Мулла Хол устод саволига: «Мен бу сўзни бирор шоирнинг тахаллуси сифатида кўрган эмасман. Фақат Мисрда бир олим ўтган, у Саҳиҳ Бухорийга шарҳ ёзган, ўщанинг илмий лақаби «Айний» эди», — деб жавоб қайтаради. Ўзидан олдин ушбу сўзниң тахаллус маъносида истифода этилмаганлигига қаноат ҳосил қилгач, устод ўз шеърларида «Айний» тахаллусини кирита бошлайди. Бизнингча, XIX аср Бухоросида Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасининг нусхалари маълум бўлмаган ёки у Айний ва Мулла Холлар қўлига тушмаганга ўхшайди. Акс ҳолда улар XV асрда «Айний», «Жунуний» тахаллусли шоирлар ўтганлигини қайд қилишган бўлишарди. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да «Мавлоно Жунуний Ҳирийлиқдур. Шеъри ёмон эрмас экандур. Аммо назмда табъи ҳажв ва ҳазл сари мойил эркандур»⁴⁹, — деб ёзади. Бу асарда қуйидагилар қайд қилинган: «Мавлоно Айний ўбаликдур. Ҳофиздур китобат ҳам қилур ва табъи ҳам назмларда мулойимдур...»⁵⁰.

⁴⁹ Алишер Навоий, Мажолисун-нафоис, 23-бет.

⁵⁰ Уша жойда, 110-бет.

Юқорида қайд қилинган фактларни қўйидагича якунлаш мумкин: Ўтмишда яшаб фаолият кўрсатган ижодкорлар тахаллусга жиддий муносабатда бўлганлар. Улар тахаллуснинг ўз эстетик позицияларига мос тушиши учун курашганлар.

Бадиий адабиётда эса тахаллус фақат муаллифнинг кимлигини кўрсатувчи бир формал восита бўлиб қолмай, балки илгор ижодкорлар учун кенг маънода ғоявий-эстетик позицияга тегишли масала сифатида тушунилган.

Доимий тахаллус танлаш жараёни изланишлар, иккиланишлар билан кечадиган бир процесс бўлиб, унинг танланиши бир қатор факторларга (рамзий, касбу кор, туғилган жой, характеристер-хусусият ва ҳоказолар) га бевосита боғлиқдир.

Сўз санъаткорлари тахаллус танлагандан асосан унинг кенг ва кўп маъноли, бирорлар томонидан олдин тутилмаган бўлишига эътибор қилишган. Бироқ матбуот ва нашриётнинг йўқлиги бу ишни системага солиш, координациялаш имконини бермаган. Шунинг учун ҳам бир тахаллусда кўпгина қаламкашлар бир-бирларидан бехабар ҳолда ижод этишган.

Эстетик диднинг ўсиб бориши, адабий муҳитнинг таъсири каби қатор факторлар кўп тахаллусликка сабаб бўлган асосий омилдир.

Сўлим чаманинг ранго-ранг гуллари

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳамма соҳа бўйича янги фикр айтиш, бошқалар эътиборидан четда қолган моментларга ўз нигоҳини ташлаш ва бошқаларнинг дикқатини унга тортиш тарафдори эди. У умр бўйи шу ақидага содиқ қолди. Шу туфайли бошқалардан ҳам шу равияга риоя қилишини талаб этди:

Ани назм этки тарҳнинг тоза бўлгай,
Улусқа майли беандоза бўлгай.
Йўқ эрса қылғонни халойик,
Мукаррар айламак сендин не лойик.
Хуш әрмас эл сўнгинча Раҳш сурмак,
Иўлиқим, эл югурмиштур югурмак.
Биравким бир чаманд сойир эрди,
Нечаким гул очилғон кўрди терди.
Ҳамул ерда эмас гул истамак хуб,
Бўй бўстон саҳнида гул кўл, чаман кўп⁵¹.

⁵¹ Алишер Навоий. Асарлар, 7-том, 23-бет.

Дарҳақиқат, Устод Навоийдан сўнг яшаган ижодкорлар унинг ана шу фикрларига амал қилиш учун ҳаракат қилганлар. Ҳатто бу тенгсиз ва тубсиз бўстон саҳнидаги бекиёс гулларни танлаш ва топиш ишиёки тахаллус танлаш бобида ҳам кўзга яққол ташланади. Шу сабабли адабиёт тарихидаги тахаллуслар ғоят ранго-ранг ва бир-бирига ҳеч ўхшамасдир. Ҳақиқатдан ҳам тахаллуслар йигиндиси, жамул-жами дилкаш бир чаман бўлиб, у ёки бу шоирга тегишли тахаллус эса шу анбарашон чаманинг бир муаттар гулидир. Аслида Она табиат ижодкорликда ҳаммага намунадир. У солган мислсиз нақшлар, у ато этган бекиёс хушбўй, жозибали, нафис гуллар шунчалик ўхшашсизки, бири иккинчиси нинг асло такори эмас. Үлар қайсиdir бир характерли томони билан бир-биридан ажралиб туради. Шу дилбар хосият тахаллус чамани, гулшани учун ҳам хосдир. Ҳар бир ижодкор қўлига қалам олар экан, тахаллус топиш тараддулага тушади. Шунда у бу масалада ўзича йўл тутади, ғоявий позицияси, принципи, идеали доирасида иш юритади. Шу маънода адабиёт тарихидаги тахаллуслар хилма-хил принциплар заминида вужудга келган.

Адабиёт тарихида муҳим роль ўйнаган, унинг жаҳоний шуҳрат касб этишида салмоқли ҳисса қўшган буюк сиймолар тахаллусини кўздан кечириш бу борада ҳам ҳар хил принциплар мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбек классик адабиёти тарихида Юсуф хос Ҳожибнинг алоҳида ўрни бор. Бу адаб адабиётимиз тарихида тўқиз юз йилдан бери қўлдан-қўлга ўтиб, эъзозланиб келинаётган яккаю ягона асари — «Қутадгу билик» («Саодатга элтувчи билим») билан машҳурдир. Юсуф хос Ҳожиб 1070 йилда «Қутадгу билик» асарини ўн саккиз ойда ёзиб тугаллаган. Муаллиф ўз даврининг актуал ва илгор масалаларини ўзида мужассам этган мазкур асарини қораҳонийлар сулоласининг ҳукмрони тавғоч Буғроҳонга тақдим этади ва бу асар Буғроҳонга манзур бўлади. Буғроҳон асар ҳамда унинг муаллифини муносиб тақдирлайди. Элликдан ошиб қолган адаб Юсуфга «хос Ҳожиблик» («эшик оғоси») унвони берилади. Ана шундан кейин «Қутадгу билик» автори илмий жамоатчилик ва шеърият ихлосмандлари ўртасида Юсуф хос Ҳожиб номи билан шуҳрат қозонади.

Форс-тожик адабиётининг сардафтари Абу Абдулло Жаъфар Рудакий Тожикистон ССРнинг Панҷакент

районидан 63 километр узоқликда жойлашган Панжрудак қишлоғида туғилған. Ҳозир Панжрудак қишлоғида шоирнинг мақбараси қурилған. Мақбарадан эллик метр нарида Шарқ услугуга хос нақш — нигорда кутубхона, мәҳмонахона барпо этилған. Бу қишлоқдаги колхоз ва ўрта мактаб устод Рудакий номи билан аталади.

Абу Абдулло бинни Жаъфар ўзининг Панжрудакдан эканлигини кўрсатиш мақсадида «Рудакий» тахаллусини қабул этган. Бундан ташқари, у «Рудакий Самарқандий», «Рудакий Бухорий» тахаллуслари билан ҳам шуҳрат қозонған. Бунга унинг Самарқандда яшаганлиги, у ердаги мадрасалардан бирида таҳсил кўргани ва ўз ижодий фаолиятининг асосий қисмини Бухорода ўтказганилиги сабаб бўлған. Рудакий тахаллуси билан юзлаб таъб аҳллари ижод этганлар. Масалан, Аҳмад Югнайи, Сайф Фарғоний, Хўжа Исмат Бухорий, Сайфий Бухорий, Аъмақ Бухорий, Бадриддин Чочий (Тошкент), Қутб Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Кишварий, Малехо Самарқандий, Сўзаний Самарқандий, Риёзий Самарқандий каби. Улар ҳақида маълумот берувчи тазкиралар, тарихий асарлар асосий тахаллус билан бир қаторда қўшимча — изоҳловчи тахаллус ҳам параллель равишда қўлланади. Бироқ муаллиф ғазал ёки бошқа жанрдаги асарларида асосий тахаллусини қўллайди. Масалан, Жомий, Риёзий, Сайфий, Аъмақ, Қутб, Сўзаний ва ҳоказолар. Шоирнинг туғилған жойига нисбатан ишлатилған тахаллусларни икки груплага бўлиш мумкин. Биринчиси, асосий тахаллус вазифасида келувчи сўзлар ёки жой номлари. Масалан, Рудакий, Наршахий, Жомий ва бошқалар. Иккинчиси, қўшимча изоҳловчи вазифасида қўлланиувчи тахаллуслар. Масалан, Бухорий, Самарқандий, Ҳиротий, Шерозий, Хоразмий, Чочий ва бошқалар. Адабиёт тарихида маълум мавқега эга бўлған бошқа бир гурӯҳ шоирлар тахаллус танлашда ўз касбу корларини асос қилиб олишган. Масалан, назм мухлислари ўртасида Умар Ҳайёмнинг номи кенг тарқалған. Айниқса, рубоий жанрининг камоли унинг номи билан чамбарчас боғлиқдир. Ана шундай жаҳоний шуҳрат эгасининг асл исми Умар бўлиб, адабий тахаллуси «Ҳайём»дир. Зукко олим, файласуф шоир дилбар вадилкаш асарлар ижод қилиш билан бирга, тирикчилик ўтказиш мақсадида чодир тикиш билан шуғулланган; у ўз касбидан, машғулотидан келиб чиқиб, ўзига Ҳайём

таксаллусини (ҳайма, яъни чодир, чодирдўз) қабул этган. XIV—XV асрларда ҳаёт кечирған Саккокий (пичоқчи) таксаллусини ўз касби билан боғлаган.

Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» асарида касбу кор, севган соҳа, тирикчилик ўтказиш учун шуғулланадиган машғулотнинг таксаллус учун асос бўлганлигини кўрсатувчи бир талай фактларни келтиради. Жумладан, мазкур тазкиранинг 118-бетида Паҳлавон Муҳаммад Гуштигир ҳақида фикр юритилар экан унинг полвонлиги, кураш билан шуғулланиш таъсирида «Паҳлавон» ва «Гуштигир» (курашга тушувчи, курашчи) таксаллуслари қабул қилинганлиги таъкидлайди. Мавлоно Қавқабий ҳақида «Мунажжим йигитдур ва ўз фанига муносиб таксаллус ихтиёр қилибдур», — деб ёзади. Бошқа бир ижодкор ҳақида мулоҳаза юритиб, ёзади: «Хожа Қамолиддин Үдий — зариф киши эрди ва ўз замонининг хушнавози эрдиким, барча халойиқ ани мусаллам тутар эдилар. Таъби ҳам шеърига мулоҳим эрди»⁵².

Демак, Паҳлавон Муҳаммад полвонлиги, Мавлоно Қавқабий (юлдуз) осмон тилсимотлари илми билан шуғулланганлиги, Хожа Қамолиддин эса уд (музика асбоби) чалиш билан қизиқсанлиги туфайли шу соҳага дахлдор равища тахсаллус қабул қилишган.

Бу группага мансуб шоирлар ўз тахсаллусларида фақат касбларини асос қилиб олиш билан чекланмасдан; балки тахсаллус вазифасидаги сўзни анчагина кенг ижтимоий маънода қўллаганлар. Масалан, XIX асрда Китобнинг Чармгарон маҳалласида истиқомат қилиб, ўзидан лирик ғазаллар, мухаммаслар, «Чор дарвеш», «Раъно ва Зебб», «Тўтинома», «Юсуф ва Зулайҳо» каби дostonларни мерос қолдирган Мулла Қуроннинг тахсаллуси «Хиромий»dir. Хиромий бадиий адабиётда юксак идеалларни пухта, нафис тараннум этиш тарафдори бўлган. Шоир ана шу эстетик позициядан келиб чиқиб, ўзига «Хиромий» (хиром — чармнинг олий нави, хиром қилиб юриш—чиройли юриш маъноларида) тахаллусини қабул этган. Бу билан шоир, биринчидан, чармгарлик билан шуғулланганлигига ишора қилаётган бўлса, иккинчидан, адабиёт оламига қадам қўйишдан мақсад — чиройли

⁵² Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 12-том, Тошкент, 1966, 122-бет.

юриш, хиром этиш, ўзидан яхши из, қутлұғ ном қолдириш, халқ муддаоларини ифодалайдиган пишиқ асарлар езиш эканлигини ҳам күзда тутган ва бунга әришган.

Ўзбек ва тожик классик адабиётлари фактини күздан кечириш тахаллус танлашда яна бошқа бир принцип мавжуд эканлигини күрсатади. Аниқроғи, баъзи тоифадаги қаламкашлар тахаллус танлашда ўз ижтимоий келиб чиқишини, ўзи мансуб бўлган ижтимоий табақани дикқат марказида тутганликлари аён бўлади. Мисол тариқасида XV асрда яшаб, тожик тилида сермазмун асарлар яратган, ўзи оддийгина Дарвеш Деҳакий, XIX аср фарзанди Туробий Бухорий (эркин фикрлиги учун ўз юртига сиғмай дарбадарликда кун кечирган, ўзбек ва тожик тилларида лирик асарлар бунёд этган), Хоразм адабий ҳаракатчилигининг XVIII асрдаги кўзга кўринган вакили, машҳур «Мунтахабал-лугат» асарининг муаллифи Мұхаммад Ҳоксор ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Шундай принцип асосида тахаллус танлаган шоирлар ҳақида Алишер Навоий «Мавлоно Ҳокий — Кусавдиндур, Ҳожа Кусавий хизматида бўлур эрди. Дарвеш киши эрди. Шеър ҳам айтур эрди»⁵³.

Яна ўша тазкиранинг 161-бетида ёзади: «Мавлоно Дарвеш Деҳакий Қазвии вилоятидиндур. Хиштмоллик санъатига мансубдур. Дерларким, абдолваш кишидур. Девони дойим белига боғлиқдур. Ҳар байти, ё маънисига эҳтиёж бўлса, кўргали филҳол девонин чиқариб, топиб кўргузур»⁵⁴.

Бундай анъана асосида тахаллус танлаган ижодкорлар оддий халқ ўртасидан етишиб чиқсан бўлиб, тирикликини ўз ҳалол меҳнатлари эвазига ўтказишган. Бадий ижодда эса ўзи мансуб бўлган меҳнаткаш халқ оммаси манфаатини ҳимоя этишган.

Асрлар давомида адабиётда давом этган мафкураий кураш — халқчил тенденциядаги адабиёт билан феодал-клерикал ҳамда диний-мистик адабиётлар ўртасидаги рақобат тахаллус танлашда ҳам ўз принципларига эга эканлигини намойиш этади. Масалан, Амир, Амирий (Умархон тахаллуслари), Вазир (Умархон вазири Қосим Бегларбегининг тахаллуси), Мир, Мирий (Бухоро

⁵³ Алишер Навоий. Асарлар, 12-том, 61-бет.

⁵⁴ Ўша жойда, 61-бет.

амирзодаси Ҳусайнбекнинг тахаллуси) каби шоирларнинг тахаллусларида эса уларнинг юқори табақага мансублиги, кибр-ҳаволилиги намоён бўлади.

Адабиёт тарихи фактлари тахаллус танлашда шоир табиатидаги хулқи, феъл-атворидаги белгилар, ўзгаришлар асос, сабаб бўлганлигини кўрсатади. Бундай шоирлар ўз табиатидаги жузъий ҳолатларни тахаллус танлашганда ҳисобга оладилар. Айrim ҳолатларда бундай ўзгаришларнинг кейин пайдо бўлиши олдинги тахаллуснинг таҳририга сабаб бўлган. Фикримизни асослаш учун айrim мисолларни келтирамиз. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да бу ҳақда шундай ёзади: «Бобо Савдоий — Боварддиндур. Аввал «Ховарий» тахаллус қилур эрди. Файби оламдин анга жазаба еттиким, ақли зойил бўлуб, элдин чиқиб бош — аёғ яланг девоналардек тофу даштда кезар эрди. Ўз ҳолига келиб, эл орасига киргадан сўнгра «Савдоий» тахаллус қилди»⁵⁵.

«Мажолисун-нафоис»да ўнга яқин ижодкорларнинг «Девона», «Жунуний», «Мажнун», «Мажнуний» тахаллуслари билан ижод этганликлари қайд этилади. Бундан ташқари, тазкира муаллифи тахаллус танлашда сабаб бўлган айrim моментларни ҳам имкони борича ифодалашга ҳаракат қиласи. Ўнлаб шоирларнинг «Жунуний», «Мажнун», «Мажнуний», «Девона» тахаллуслари остида қалам тебратганлиги, ҳатто устод Айнийнинг революцияга қадар бўлган даврдаги ижодида бирмунча муддат шу тахаллусларда ижод этганлиги фикримизнинг тувоҳидир. Аммо ҳамма вакт ҳам бундай анъанага мувофиқ тахаллус қабул қилган шоирлар асаб касалига чалинганлар жумласига кирмайди. Аксинча, камтарлик, хоксорлик, талабчанлик, қониқмаслик ва адабий муҳит эътиборига чалинмаслик мақсадида шундай тахаллуслар қабул қилишган. Мазкур принципга асосан қабул қилинган тахаллусларнинг хусусияти юқоридагилар билан чекланмайди. Шарқ халқлари адабиёти тарихида шоирнинг табиатини, характеристини, майлини, кайфият ва ҳолатини ифодаловчи тахаллуслар ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Жумладан, Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да астрободлик шоир Мавлоно Шарорий ҳақида гапирав экан унинг ушбу тахаллусни қабул қилиш сабабини очиб берувчи ишорани

⁵⁵ Алишер Навоий. 12-том, 21-бет.

ўқувчилар билан ўртоқлашади. «Мавлоно Шарорий — астрободлигдур. Гўё рангида хумрат (қизиллик) бор учун бу тахаллусни ихтиёр қилибдур»⁵⁶.

Шарорий юзидаги, раигидаги қизиллик, табиатидаги жўшқинлик, оташфеъллиликнинг таъсирида бўлганлиги сабабли у ўзига «учқун, аланга, тобланиш, ярқираш» маъносидаги сўзни тахаллус сифатида қабул қилган. Айни замонда, Мавлоно Шарорий ўз асарларининг шуъла сочиши, китобхон қалбини иситиши ва унга нур баҳш этишини орзу қилганлиги эҳтимолдан холи эмас, албатта.

Шундай фикрни ўзбек ва тожик тилидаги лирик асарлар ҳамда машҳур «Зарбулмасал»нинг муаллифи Муҳаммад Шариф Гулханий хусусида ҳам айтиш мумкин. Гулханий ҳақида мулоҳаза юритувчи бир қатор ишларда, жумладан, Қори Раҳматулло Возеҳнинг тазкирасида унинг тахаллуси ҳаммом гўлахидаги ўтқаловчилик касби билан боғлиқ равишда талқин этилади. Фикримизча, бу талқин шоир Гулханий табиатига уччалик мос тушмайди. 1974 йилда Гулханий «Зарбулмасал»ни нашр эттирган тилшунос олим Фатҳиддин Исҳоқов унга ёзган сўз бошисида шоирнинг тахаллуси масаласида ҳам мулоҳаза юритади. Жумладан, шундай ёзади: «...Фазлий буни Гулханийнинг «Девона феъллиги» ва «Оташ фан»лигидан деб тушунтиради. Шоир ўзига тахаллус танлашда кейинги маънени назарда тутган бўлиши эҳтимолга яқиндир. Негаки, у иавқиронлик замонида ўз шижаати, ғайрати, паҳлавоилиги билан ажраблиб турган. Унинг баъзи тожикча ғазалларида учрайдиган «Журъат» тахаллуси шуни кўрсатади»⁵⁷. Исҳоқов мулоҳазалари ҳақиқатга яқиндир. Чунки ўзида катта жасорат ва журъат пайдо этиб, «Зарбулмасал»дай асарни яратган, таъбига нолойиқ кўринган қилмишларни аёвсиз очиб ташлаган, ҳатто ўзига замондош амалдорлар «пўстагини қоққан» Гулханий тахаллус бобида ҳам ўзини камситмаслиги табиий бир ҳолдир. Унда ўт-оловга хос қайноқлик бор эдики, у ана шу катта матонатни, поэтик дадилликни ўз тахаллусида ҳам намойиш қиласиди.

Академик Воҳид Абдуллаев ўзининг «Ўзбек адабиёти тарихи»да Гулханий тахаллуси хусусида баҳс юритиб,

⁵⁶ Алишер Навоий. 12-том, 115-бет.

⁵⁷ Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи, 2-китоб, Тошкент, 1964, 272-бет.

жуда түғри ҳукм чиқарған. Устоди адабиётшуносликда бириңчи бўлиб, Гулханий тахаллусини ҳаммомдорлик ишларига алоқаси йўқлигини, балки шоир табиатидаги оловфеълликни билдирувчи сўз эканлигини исботлаб бердилар. Бу ҳақда устод томонидан желтирилган маълумот дижқатга лойиқ: «Муҳаммад Шарифнинг ўзига Гулханий тахаллусини олиш сабабини шоир Фазлий ўз тазкирасида қуйидагича изоҳлаган эди:

Хушо Гулхани шоир пурфан аст,
Чи гулхан, ки зеботар аз гулшан аст,
Зи девонахуию оташфани,
Тахаллус ниҳода ба худ Гулхани.

«Гулханий ҳамма нарсани билувчи шоирdir. У фақат гулхан эмас, балки гулшандан ҳам чиройлироқdir. Девонафеъллиги, олов табиатлилиги, истеъдодлилиги, ўтқир фикрлилиги туфайли ўзига Гулханий тахаллусини қўйган»⁵⁸. Гулханийга замондош бўлган Мужрим — Обид тахаллусида эса негадир бу воқеанинг аксини кўрамиз. Адабиёт аҳлига маълум бўлган «Мужрим» (гуноҳкор) ҳам, «Обид» (тоат-ибодат қилувчи) ҳам шоирнинг адабий тахаллусидир. Мужрим-Обид салкам икки асрдан бери уни таҳқирловчи ана шу қўшалоқ тахаллуси билан шуҳрат қозонади. У айрим ғазалларининг радифини айнан такрорланувчи сўз ва сўзлар группасини тахаллус вазифасида ҳам ишлатган:

Не етди, даҳрдинким қоматинг бўлмиш дуто, Мужрим,
Не кўрдинг дунёдниким умр сарф этдинг анго, Мужрим.
Үй ичра сўзларнинг бозор савдосига рост эрмас,
Деганингча йўқ эркан бу жаҳони бевафо, Мужрим.

Ана шу зайлда «Жаҳони бевафо» қилмишларини фош этувчи асарлар руҳига унинг Мужрим тахаллуси мос бўлиб тушади. Шоир ўзини «таҳқирлаш» билан ўз даври казо-казоларини масхара қиласи ва ҳеч бўлмаса шу йўл билан ошуфта кўнглига тасалли беради. Кўринадики, бу ерда тахаллус муҳим вазифани бажармоқда. Шунга қарамасдан, Амир Ҳайдар Мужримни ўз ҳузурига чақириб, мазкур тахаллусдан воз кечиш, бунинг ўрнида «Обид» сўзини тахаллус сифатида қўллашни топширади. Мужрим-Обид амир амрини бажаришга мажбур бўлади. Аммо у Мужрим тахаллусидан кўнгил узишни истамайди. Шунинг учун ҳам

⁵⁸ Уша жойда, ўша бет.

унинг аксарият асарларида қўшалоқ тахаллус ишила-тилади:

Гоҳ Обидлиғ отим бирла қилиб кўнглимни шод,
Гоҳ Мужрим деб ёзиб ўзимга хасби ҳол фам.

Адабиёт тарихида баъзан май ва майхўрлик, сархушлик билан боғлиқ тахаллуслар ҳам учраб туради. Жумладан, маст, мастилик ҳолатидаги, мастилиги тамом тарқамаган, май хумориси, маъноларидағи «Махмур» сўзи тахаллус вазифасида ҳам келади. Худди шу тахаллус остида асарлар ижод этган шоир Маҳмуд Ақмал ўғли XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон адабий муҳитида фаолият кўрсатган. Маҳмур Шарқ ҳалқлари адабиётида узоқ тарихга эга бўлган зуллисонайнлик — икки тилда ижод этиш анъ-анасига қаттиқ риоя қилганд. У ўзбек ва тоҷик тилларида асрлар яратган Маҳмур сатира ва юмор устасидир. Бизнингча, Маҳмурнинг адабий тахаллуси тубида катта киноя, қочирим ётади. Шоир яратган асарларида масала-ни жўндаланг қилиб қўяди, қози, домла, эшонларни сатира оловида қўйдирди, ҳатто хонликка қаттиқ тил тегизади. Маҳмур шеъриятидаги шундай дадилликни кўриб, шоир қилгуликни қилиб қўйиб, ўзини мастиликка, майзадаликка уриш ниқоби остида таҳқир ва таъқибдан жон сақлаган бўлиши мумкин, деган хulosага келади киши. Агар шундай бўлса, унинг тахаллуси ўз функциясини тўла адо этган бўлади. Бунинг устига тахаллус формал ҳодиса эмаслиги, балки эстетик идеалга боғлиқ масала эканлиги яна бир карра тасдиқланади.

Адабиёт тарихида «Машраб» ва «Машрабий» тахаллуслари билан шуҳрат қозонган шоирлар анчагина тошилади. Жумладан, уларнинг бири хусусида Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да Мавлоно Машрабий — Машҳадлиғдур, хуштаъб йигитдур. Бу матлаъ анинг-дурким:

Турки ман ҳар гаҳки жо дар хонаи зин кардан,
Хонаи зинро чу суратхонаи Чин кардан.

(Мазмуни: Эй турк гўзалим, ҳар гал сен зийнатхонага кирганингда, зийнатхонани Чин суратхонасида айлантириб юборасан). Бундан ташқари, XVII асрда Эронда яшаган Абдураззоқ Машраб, шу асрда фаолият кўрсатиб, Табризда вафот этган Мирҳусайн Машраб, XVI асрда Дехлида ўтган Мир Иноятулла Машраб,

XVII аср охири—XVIII асрнинг бошларида Шерозда ижод этган Мирзо Ашраб Машраб, ҳиндистонлик Машраб⁵⁹, Мулла Рўзибўй Машраб ва Бобораҳим Машраблар адабиёт оламига маълум. Асосий муддаоға ўтадиган бўлсак, гал «Машраб» сўзининг тахаллус ёки исом маъноларида қўлланилиши устида боради. Луғатлар мазкур сўзни табиат, характер, одат, хулқ маъноларида изоҳлайди. Бобораҳим Машраб ҳақида махсус тадқиқот юритган Муҳсин Зокирий уни тахаллус тарзида талқин этади. Лекин негадир уFaфур Fуломнинг «Икки Машраб» номли мақоласидаги мулоҳазаларига эътибор қилмайди ва ўнга муносабатини билдирамайди. Faфур Fулом юқорида эслатилган мақоласида диний-мистик характердаги «Мабдаи нур» асарининг Бобораҳим Машрабга дахли бўлмай, балки у Мулла Рўзибўй Машрабни Сонийнинг хасми эканлигини асослайди ва бу билан Бобораҳим Машрабни тавқи лаънатдан қутқазган эди. Шу билан бирга, «Машраб» сўзи ва унинг қўйилишига доир қизиқарли мулоҳазаларни ҳам ўртага ташлайди. Faфур Fулом «Машраб» сўзини махсус танланган тахаллус ва асосий ном вазифасида келишини инкор этади. Иккичидан, унинг шароб ва майхўрлик маъноларида изоҳланишига ҳам рози эмас. «Биринчидан шуки, «Машраб» деган луғатнинг биздаги маъносида араб лексиконига қатъян алоқаси йўқ. Арабларнинг «Шариба» масдаридан келиб чиқадиган «Машраб» сўзи бирор ичимлик ичиладиган «ичиши ўрни» маъносида бўладики, бу албатта кишига ном ёки тахаллус бўлолмайди»⁶⁰. Кўрина-дики, Faфур Fулом шоир тахаллусининг шароб ичиш билан боғланишини инкор этади ва Бобораҳим Машраб деб юритишнинг сабабини халқда «гапирувчи», номлар қўйиш расму одатидан излашни маслаҳат кўради. Мисол тариқасида хотинларнинг ҳомиладорлик пайтида турли руҳий ҳолатга тушишлари, галлюцинация содир бўлиши билан боғлиқ ҳолда ном қўйиш одати борлигини келтириш мумкин. Шундай ҳолатлар содир бўлган пайтда онга қорнидаги боланинг «йиғлаганини», «гапирга-

⁵⁹ Қаранг. Зокирий М. Машраб. Тошкент, 1966, 22—23-бетлар.

⁶⁰ Faфур Fулом. Икки Машраб. 1-том. Тошкент, 1971, 89—90-бетлар. Бундан кейинги иқтибослар ҳам шу китобдан олиниади.

нини» эшитгандай бўладики, шундан сўнггина ана шундай «ҳовлиқма ва маҳмадона» чақалоққа «Машраб» оти қўйилади.

Faфур Гулом Бобораҳим Машраб она қорнида бўлганида, бозорга кетаётган дехқоннинг икки ғужум узумини онаси сўроқсиз олиб егани учун унга танбех бергани билан боғлиқ ривоятни келтиради. Лекин она қорнида йиғлаган «Машраб» болаларнинг асл исмидир. Машраб эса исмга қўшимча бўлиб юритилади: «Бобораҳим Машраб, Мелиқўзи каби. Машраб тахаллусли шоирлар фақат ўзбекларда бўлганида эди, бу хулоса билан чекланиш мумкин эди. Аммо Эрон ва Ҳиндистоннинг қатор шаҳарларида ҳам шундай тахаллусдаги шоирларни учратиш мумкин. Чунки Faфур Гулом «бу қадим ўзбеклардан қолган этнографик бир одатдир», — дея ном қўйиш расмининг доирасини ҳам чеклаб қўяди. Қувончлиси шундаки, академик Faфур Гулом шу мақолада вазиятни юмшатадиган яна бир мулоҳазани алоҳида таъкидлайди. У ёзади: «Биз Урта Осиё ҳалқлари, озарбайжонликлар, эронликлар, афғонлар «Машраб» сўзидан ринд, лоуболи, яъни эркин фикрли маъноларни англаймиз. Ислам бўлмай ёлғиз ҳолда «Машраб» табиат, феълу автор деган. «Шўх Машраб киши» деганда шўх табиатли кишини тасаввур қиласиз»⁶¹. Устоз ижодкорнинг мана бу мушоҳадаси мақсадга мувофиқ бўлиб, унга қўшилиш мумкин. Иккинчидан, риндлик, лоуболик, шўхлик сифатлари Бобораҳим Машраб лирикасининг мағзӣ-мағзига сингиб кетганки, бу унинг табиатидаги хислат ва хусусиятнинг ифодасидир:

Жон олғучи Азроил эмасдур ўзи, билгил,
Нечунки мешенини била улфат бўлуб ўттум.
Машраб, сени деб ушбу жаҳондин кўнгул узди,
Девона бўлуб ондин эшоким уруб ўттум⁶².

Келтирилган сатрлардаги тантлилк, поэтик жасорат, шариат ақидаларини менсимаслик, инкор қилиш, ҳаммасидан воз кечиб, қўл силташ шоир табиатидаги ва у орқали тахаллусга кўчган риндана рафтор, лоуболик, шўхликнинг яна бир тантанасидир.

Адабий тахаллусларнинг қарийб эллик фойзи борки, улар юқорида тасниф этган классификацияларнинг би-

⁶¹ Faфур Гулом. Адабий-танқидий мақолалар. 1-том, Тошкент, 1971, 20-бет.

⁶² Машраб. Танланган асарлар. Тошкент, 1971, 63-бет.

ронтасига кирмайды, балки ўзлари алоҳида бир принцип асосида майдонга келади. Классификациянинг бу гуруҳига мансуб тахаллусларни рамзий (мажозий) тахаллуслар деб аташ мақсадга мувофиқдир. Бунда маълум бир предмет, воқеа-ҳодисанинг ҳаракати бўлажак шоирга кучли таъсир этади, уни ўзига асир, ром этади, шоир қалбига ғулғула солган ўша предмет ёки воқеа-ҳодисанинг фазилатидаги мафтун этувчи кучий, умр боқийлигини муаллиф ўз асарларида бўлишини орзу қиласи ва тахаллусини ўша предмет билан боғлади. Мисолларга мурожаат қиласи. Адабиётимиз бузруквори Алишер Навоий ўз асарларида икки тахаллусни қўллаган. Унинг форс-тожик тилидаги асарлари Фоний (ўткинчи, вақтинча) тахаллуси билан омма ўртасида шуҳрат қозонган бўлса, ўзбек тилидаги асарлари «Навоий» тахаллуси билан тарқалган, танилган ва ўз муаллифига шаъну шавкат келтирган. Алишер томонидан тахаллус вазифасида қўллаш учун танланган ҳар иккала сўз ҳам рамзий моҳиятни касб этади.

Алишер Навоий олтмиш йиллик умри давомида «Хамса», «Хазойинул-маоний», «Мажолисун-нафоис», «Мезонул-авзон», «Маҳбубул-қулуб», «Муҳокаматул-лутфатайн», «Хамсатул-мутаҳайирин», «Тарихи мулуки Ажам» сингари ўттиздан ортиқ йирик асарларни бунёд этди. Ўзбек тилида бунёд этилган ана шу асарларнинг ҳаммасига («Лисонут-тайр»ни мустасно қилганд) «Навоий» деб муҳр босган. Таҳқир ва ҳақорат ботқоридан она тили — ўзбек тилини шеърият осмонига кўтаришга жазм этган эди, бунга тўла эришди. Амалиёт ва назариётда ўзбек тилининг бой, нафис, назокатли, дилкаш эканлигини асослади. Бу йўлда қалбига хос, орзусига мос тушган «Навоий» тахаллуси ҳамдам бўлди:

Цун ҳаробот ичра туштунг чиқморинг душвор эрур,
Ихтиёринг йўқ ичиб, эй порсо, туткил қадаҳ.

Хирқаи зуҳддин Навоий қилди раҳи, эй майфуруш,
Кўйма хуш илгида они бенаво туткил қада⁶³.

Таркидунёчилик қалбига наштар саншиб, дунё назоқати, лутфу латофатини, нозу неъматларини тараним этувчи, ундан баҳра олиш, истифода этишга даъват этувчи сатрлар мазмунига ҳамоҳанг тарзда Навоий тахаллуси ўзгача файз, шукуҳ, ўзгача оҳанг, ўзгача наво-

⁶³ Алишер Навоий. Асарлар, 2-том, 61-бет.

бахш этади. Алишернинг ёқимли ва нафис, мазмунли асарларига зебу оройиш берган, уларнинг моҳияти, таъсиричанлигини оширишга кўмаклашган «Навоий» таҳаллусининг ўзагини «наво» сўзи ташкил этади. Луғатлар бу сўзининг чуқур маънога эга эканлигини қайд қилишади. Масалан, «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат»да ва «Навоий асарлари луғати»да, шунингдек, бошқа луғатларда «наво» сўзининг беш маъноси борлиги уқтирилади. Булар қўйидагилар:

- 1) овоз, садо;
- 2) куй, музика оҳангни, мунгли ун;
- 3) наво номли маҳсус бир куй;
- 4) бойлик;
- 5) насиб, баҳра.

Назаримизда «наво» сўзининг турли хил маънолари Ҳазрат Навоийга кучли таъсир этган ва қалбимдан жўш уриб чиқадиган овоз, садо ҳалқим дилига ёқимли куй, музика оҳангидай завқ бағишиласин, асрлар оша яшаб, жафокаш ҳалқим кўнглига ҳузур бахш этган, унга тасалли берган, кайфиятини кўтарган «наво» (куйнинг номи) ардоқли эъзозли, доимий ҳамдам ва умрбокий бўлиб, ҳалқнинг бойлигига, мулкига айлансин; ана шу ҳалқим дарди, ҳасрати ва мунгли ниносини ўзида мужассам этган бойликдан авлодлар баҳра топсин, уларнинг насиби бўлсин, — деган эзгу истакни бир «наво» сўзида жо этиб, олтмиш йиллик умрини шу шарафли ният учун сарф этди. Унинг ширин орзулари эса бизнинг давримизда тантана қилди.

Алишер Навоийнинг яқин дўсти, замондоши Шайхимбек ўзига «Суҳайлий» сўзини таҳаллус сифатида танлайди. Манбалардаги маълумотларга кўра, Суҳайл — юлдузнинг номи. Ривоятга кўра, у (Суҳайл) ёруғ нур сочиш жиҳатидан бошқа юлдузлар туркумидан ажралади. Айниқса, Яман шаҳридан бу юлдузнинг нури янада равшанроқ кўринади. Суҳайл юлдузидаги бу ҳолат жуда кўп қалам аҳли эътиборини ўзига қаратган. Шу туфайли у ёр жамолини бадний тарзда кўрсатувчи ташбеҳ сифатида асрлар оша шеърият бўстонининг тўридан жой эгаллаб келгац. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» поэмасидан олингаг мана бу сатрларда шу ривоятга ниора қилинади:

Хар лаҳза аён бўлуб Ямандин,
Ташлар эди отанин кимандин,

Андоқки Суҳайл бўлса толеъ,
Бўлғай қора тун Яманга ломеъ⁶⁴.

Дастлабки икки мисра асар қаҳрамони Лайлига тегишли. Унинг онда-сонда кўриниб қолиши юлдузнинг чиқишига, жамол кўрсатишига қиёсланади. Сўнгги икки мисрада ана шу қиёс муболага тарзида берилади. Лайлининг пайдо бўлиши Мажнун учун катта байрам. У бу қувончдан оламга сифмайди. Бу гўё Саҳайл юлдузининг кўриниши билан Яман диёрида қора тун бағрининг пора-пора қилиниши, нур, ёғду тантанасига тенг. Суҳайл юлдузига маҳлиё бўлган Аҳмад ўн бир ёшида даврининг забардаст шоири ва олими Шайх Ориф Озарийнинг маслаҳати билан «Суҳайлий» сўзини ўзига адабий тахаллус сифатида қабул этади. Бунда унинг асл муддаоси «асарларим Суҳайл» юлдузидай узоқ яшовчан, шуҳратли, ёқимли, ўлмас ва кишилар қалбига шу юлдуз сингари ёруғ, нур, зиё бағишловчи бўлсин демакдир. Шоир асарларининг орадан ўтган беш юз йил давомида яшаб келаётганлиги, тазкира ва тарихий асарларда зикр қилиниши, ғазалларидан намуналарнинг баёзларда учраб туриши, девонларининг Англия, Хиндистон каби мамлакатларга тарқалганлиги шу ширин орзунинг зое кетмаганлигидан нишонадир. Шарқ халқлари адабиёти тарихида рамзий тахаллуслар кўп учрайди. Аммо ана шу йўналишнинг ўзи ғоят ранг-баранг қирраларга, кўринишларга эга. Алишер Навоийни мусиқа, хусусан, «наво» ўзига асир этган экан, Шайх Аҳмад Суҳайлий назари юлдуздаги хислат-хусусиятга қадалиб, бир умрга шунинг мафтуни бўлган. Табиат ва жамиятда, қайноқ ҳаётда сон-саноқсиз нафисликлар, дилкаш воқеалар, тақлид қилса, эргашса, шу фазилатнинг ўзига юқишини орзу этса арзигулик гўзалликлар, ҳодисалар кўп учрайди. Юзлаб ижодкорлар ўзига мақбулини тахаллус сифатида қўллаганлар. Бу маънода рамзий тахаллуслар қамрови кенг бўлиб, уларнинг ҳаммаси хусусида мушоҳада юргизиш имкониятдан ташқаридир. Ёр ҳақида гап борса албатта, унинг шаҳло кўзлари нарғисга нисбат берилади. Минг йиллар давомида бу ташбеҳ кун тартибида туради. Марвлек Наргисийга унинг шу томони кучли таъсир этган бўлса керак. Шоир шу сўзни тахаллус сифатида қабул қилган. Навоий «Мажолисун-

⁶⁴ Алишер Навоий. Асарлар, 8-том, 16-бет.

«нафоис»да бу ҳақда қўйидагиларни ёзади: «Мавлоно Наргисий Марв вилоятидиндур. Мазлумваш йигитдур. Бу матлаъ анингдурким:

Онро ки дарди ишқи ту девона сохта,
Мажнунисифат бар гўшай вайрона сохта» (105-бет).

Тахаллус қабул қилиш анъанаси социалистик воқе-лик заминида шаклланган ўзбек совет адабиётига ҳам ўзининг салмоқли таъсирини ўтказди. Бу адабиётнинг биринчи бўғинига мансуб ижодкорлар тахаллус билан ижод қилиш анъанасини давом эттирилар. Жумладан, Ҳамза Ҳакимзода ўғли — Ниҳоний, Садриддин Сайдмурод ўғли — Айний, Мусо Тошмуҳаммедов — Ойбек, Раҳматулла Отакўзиев — Уйғун, Комил Нуъмонович Нуъмонов—Яшин, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли—Ҳабибий, Манзура Собирова — Ойдинлар ҳам ўзларига адабий тахаллусни қабул қилдилар ва китобхонлар ўртасида «Иккинчи номлари» билан шуҳрат қозондилар. Айрим ижодкорлар ўз тахаллуси моҳиятини очишга, уни танлашга ундан омилларни кўрсатишга ҳаракат қиласди. Даили сифатида ёзувчи Ойбекнинг қўйидаги сўзларини келтириш мумкин. У қўйидагиларни ёзади: «Узоқ ёшликнинг таассуротларидан бири ҳали-ҳали эсимда. Ёп-ёруғ кеча уйимизнинг яssi томида онам билан турардим, тўлишган оппоқ ой осмон бўйлаб сузарди, у менга жуда гўзал кўринарди. Мен унга қўлларимни чўзиб интилардим ва «ойи, ойи, ойни олиб беринг», — деб хархаша қилардим»⁶⁵. Беғубор ёшликдаги Ойга маҳлиё бўлиш, ундан таъсирланиш, кишилар қалбига мусаффонур сочиш истаги Мусо Тошмуҳаммедовга Ойбек тахаллусини қабул қилишга асосий сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Ойбекдан ташқари Ой билан боғлиқ бир қатор тахаллусларнинг мавжудлиги ҳам диққатга сазовор. Жумладан, форс-тожик адабиётнинг кўзга кўринган намояндаси Бадриддин Ҳилолийнинг номи ва шуҳрати Мовароуинаҳру Хурсонга кенг тарқалган. Унинг номи ва тахаллуси ҳам ой билан боғлиқ: бадр — тўлин ой, ҳилол — янги ой, уч кунлик ой, ёр қошига қиёс этиладиган ой.

Зўр маҳорат, нозик дид ва зўр ҳис билан яратилган лирик асарлар, машҳур «Бобирнома», илми арузга доир «Мухтасар» ва бир қатор китоблар муаллифи

⁶⁵ Ой бе к. Танлашган асарлар, 2-том, 15-бет.

Заҳириддин Мұхаммад Бобир адабиёт ва санъат аҳли ўртасида «Бобир» тахаллуси билан маълум ва машҳур-дир:

Сендин айрилдим эса бўлди насибим хори ғам,
Сендин, эй гул, эмди Бобир бир замон айрилмагай⁶⁶.

Луғатларда «Бобир» сўзининг изоҳи берилмаган. Чунки бу сўзнинг ўзаги «бабр»дир. Бабр луғатларда «йўлбарс» тарзида изоҳланади.

Сенсан подшоҳи, хони Воқифнинг,
Ақлу ҳуши, дин — имони Воқифнинг.
Ҳасратингдан чиқди жони Воқифнинг,
Не бўлур боқсанг бу гадога, Зайнаб⁶⁷.

Бу сатрлар озарбайжон шоири Мулла Паноҳ Воқифнинг Зайнаб исмли қизга аталган шеъридан олинди. Шоир 1717 — 1797 йилларда яшаб ижод этган. У озар реалистик шеъриятини ривожлантириш йўлида катта заҳмат чеккан. Воқиф кўп ўқиш, ўрганиш, билишга интилган ва бунга эришган. Шоирнинг асли номи Паноҳ, Мулла — муаллимлик қилганлиги сабабли қўшилган унвон. Воқиф — унинг адабий тахаллуси.

Адабиёт тарихида ўз номини тахаллус вазифасида қўллаш ҳам одат ҳисобланади. Масалан, Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» нинг 150-бетида Мұхаммад Солиҳ ҳақида фикр юритар экан, «Мұхаммад Солиҳ — исми муносабати била «Солиҳ» тахаллус қилур», — деб ёзади. Ёки мавлоно Мўминий ҳақида справка берар экан «Халосия» хонақоҳида тахсил қилур. Оти Абдулмӯъминидир, тахаллуси бу муносабатдин воқе бўлубдир,— дейди. Адабиёт тарихидан бундай фактларни жуда кўп келтириш мумкин. Бироқ келтирилган мисолларнинг ўзи ҳам тахаллус «соҳта», «ўйлаб топилган» ном бўлмасдан, балки шоирнинг исми ҳам шу вазифада келиши мумкин деган фикрни тўла тасдиқлайди. Бу анъана совет адабиётида асосий йўналишни ташкил этади.

Тахаллус танлашда у ёки бу санъаткор кўпроқ ижод этадиган жанрнинг таъсири кучли бўлади ва тахаллус вазифасини бажарадиган сўз ўрнида ишлатида. Масалан, Алишер Навоий «Мажолис»да Мавлоно

⁶⁶ Узбек адабиёти. Хрестоматия, З-том, Тошкент, 1959, 25-бет.

⁶⁷ Мулла Паноҳ Воқиф. Танланган шеърлар. Тошкент, 1969, 26-бет.

Мұхаммад Муаммой ҳақида маълумот беради. Адабиёт тарихида бундан ҳам бошқа Муаммой ва Мувашшаҳий тахаллусли шоирлар учрайди.

Үмуман, ёзувчи ва шоирлар ўз адабий тахаллусларини күйидаги принцип асосида танлаганлар:

1. Ижодий меңнат әвазига берилған унвон туфайли пайдо бўлған тахаллуслар (Масалан, Юсуф хос Ҳожиб).

2. Туғилған жойга — Она Ватанга бўлған чексиз меҳр-садоқат рамзи сифатида қабул қилинган тахаллуслар — (Абу Абдулло Рудакий, Абдураҳмон Жомий, Исмат Бухорий, Бадриддин Чочий, Мавлоно Убаҳий).

3. Ижодкорларнинг касбу корлари таъсирида танланган тахаллуслар (Умар Хайём, Мулло Қурбон Ҳиромий, Мавлоно Саккокий ва ҳоказолар).

4. Санъаткорларнинг ижтимоий келиб чиқиши, моддий турмуш даражаси ва ўзи мансуб бўлған табақага боғлиқ тарзда танланган тахаллуслар (Мұхаммад Ҳоккор, Дарвеш Деҳакий, Мавлоно Ҳокий, Туробий, Бухорий, Амирий, Вазир ва бошқалар).

5. Шоирларнинг характеристи, тақдири, майли, руҳий ҳолати, кайфияти ҳисобга олниган ҳолда юзага келган тахаллуслар (Бобо Савдоий, Мавлоно Жунуний, Бобораҳим Машраб, Мұхаммад Шариф Гулханий, Махмур, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат).

6. Ном — тахаллуслар (Мұхаммад Солих, Мавлоно Мўминий).

7. Рамзий тахаллуслар (Алишер Навоий, Шайхим Суҳайлий, Мавлоно Шамсий, Бадриддин Ҳилолий, Захриддин Бобир, Мавлоно Наргисий).

8. Буюк устодларнинг маслаҳати ва амир-амалдорларнинг кўрсатмаси билан қабул қилинган тахаллуслар (Масалан, Мужрим — Обид, Мавлоно Замоний).

Бир шоирга бир неча тахаллус

Шарқ халқлари адабиёти тарихида бир тжодкорнинг бир неча тахаллус остида қалам төбратини кенг тарқалған анъанаалардан бири ҳисобланади. Үтмиш адабиётининг гувоҳлик беришича, айрим тахаллуслар баъзи сабабларга кўра, тез-тез алмаштирилиб, янгиланиб турилади. Юқорида Бобо Савдоий тахаллусли шоир хусусида мулоҳаза юритиб, у дастлаб «Ховарий» номи остида, кейинчалик асаб касалига учраганидан сўнг «Савдоий»

деган «үйдирма ном» олганлиги хусусида бахс юритган эдик.

Бошқа ҳолатларда эса тахаллуслар алмашинувига шоирнинг эстетик позициясида, идеалида пайдо бўлган ўзгаришлар асосий сабаб бўлган. Айрим вақтларда эса мансабдор шахсларнинг талаби, топшириғи (Мужрим — Обид), таъқибининг кучайиши, бир хил тахаллусдаги шоирларнинг маълум бўлиши, ижодий изланишлар пайтида танланган тахаллус, улғайган, тажриба пайдо қилган пайтда табиатга мос тушмай қолиши каби сабабларга кўра содир бўлади.. Мисолларга мурожаат қиласайлик. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да бир неча тахаллус остида ижод қилган шоирлар ҳақида маълумот беради. Шулардан бирини келтирмиз: «Мавлоно Яҳъё Себак — Хурросон мулкининг рангин фозили эрди, кўп улум ва фунунда моҳир эрди. Саноеъ ва арузда барча эл ани мусаллам тутарлар эрди. Анинг табъи диққатини ҳар киши билай деса «Шабистони хаёл» деган китобини кўрсун. Аввал Туффоҳий тахаллус қилур эрди. Сўнгра Фаттоҳий ҳам тахаллус қилди. Аммо Ҳуморий ва Асрорий ҳам тахаллус қилибдур. «Фаттоҳий» тахаллуси билан бу матлаъ анингдурким:

Эй ки даври лола соғар холи аз май мекунй,
Рафт умр, ин доғи ҳасратро даво кай мекунй.

(Мазмуни: Лола даврида пиёлани майдан холи қиласан, умр ўтди, бу ҳасрат доғига қачон даво қиласан?) ва «Асрорий» тахаллуси билан Ҳожа Ҳофиз татаббуида бу байт анингдурким:

Арраи барги канаб, эй бангийён, з- он тез шуд,
То бурад бехи ниҳоли ақли имони шумо...»⁶⁸

(Мазмуни: Эй бангилар, наша баргининг арраси (қирраси) сизнинг ақл ва имонингиз кўчатининг томирини кесмоқ учун ўткирлашгандир).

Алишер Навоийнинг гувоҳлик беришича, Мавлоно Яҳъё Себак «Туффоҳий», «Фаттоҳий», «Асрорий», «Ҳуморий» ва жойига нисбатан «Нишопурий»ни қўшиб, олти тахаллус остида асарлар яратган. Алишер Навоий тазкирасида Мавлоно Яҳъё Себакдан бошқа бирон ижодкорнинг шунча кўп тахаллус билан ижод этганлиги ҳақида маълумот учрамайди. Бироқ иккита тахаллус билан қалам тебратган ижодкорлар анчагина топилади.

⁶⁸ Алишер Навоий. 12-том, 15—16-бетлар.

Шоир Мавлоно Замоний хусусида мулоҳаза юритиб, «Мавлоно Муҳаммад Омилийнинг ўғлидурким, иккинчи мажлисда оти мазкур бўлди, «Вафой» тахаллус қилур эрди. Фақир (Навоийнинг ўзи) илтимоси била «Замоний»га тафийр берди. Икки жиҳатдан: бир жиҳат буким, Султон Бадиуззамон Мирзо муносими эрди, «Замоний»— тахаллусининг муносабати анга кўп бор эрди. Яна бир жиҳат буким, Аҳмад Ҳожибек «Вафой» тахаллус қилур ва шеъри машҳурдир ва девони ҳам бор. Муносиб эрмас эрдиким, улуғ кишига бежиҳат тахаллусда шерик бўлғай»⁶⁹. Бу парча икки жиҳатдан эътиборга лойиқ. Бири, Мавлоно Замонийнинг икки тахаллус остида қалам тебратгани масаласи бўлса, иккинчиси, тахаллусни ўзгартиришга сабаб бўладиган зарурат масаласидир. Кўп тахаллуслилик масаласи фақат шу икки шоирга хос эмас. Аксинча, бу масалада фактлар кўпdir. Алишернинг «Навоий», «Фоний»; Мужрим Обиднинг «Мужрим» ва «Обид»; Муҳаммад Шарифнинг «Гулханий» ва «Журъат», Моҳларойимнинг «Нодира», «Комила», «Макнуна»; Устод Садриддин Сайдмурод ўғлининг «Сифлий», «Муҳтоҗий», «Жунуний», «Айний» каби тахаллус остида ижод этганликлари бу традициянинг асрлар давомида яшаб келаётганлигидан гувоҳлик беради.

Совет ҳокимияти йилларида, айниқса, 20—30-йилларда кўп тахаллуслилик авж олган. Давр тақозоси туфайли айрим ижодкорлар ўнлаб тахаллуслар остида ўзасарларини матбуот саҳифаларида эълон қилганлар. Бу ақидани тасдиқловчи мисоллар юқорида қайд қилиб ўтилди. Аммо бу ўринда даъвони асослаш мақсадида биргина мисол билан чекланиш мумкин. 1892—1960 йилларда яшаб ижод этган Шамсиддин Шарофиддинов — Хуршид ўзбек халқи маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллаган. Унинг ижоди Улуғ Октябрь социалистик революциясида аввал бошланган. Хуршид ўзига замондош бўлган Муқимий, Фурқат, Завқий, Камий, Ҳамза каби шоирлар сингари ишқий асарлар яратган ва шеърият жанрида қаламини синовдан ўтказган. Революция арафаси ва ундан кейинги йилларда эса ўзбек саҳнасининг жонкуярларидан бири сифатида актив фаолият кўрсатган. У Фирдавсий ва Алишер Навоий поэмалари сюжети асосида «Сиёвуш», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли

⁶⁹ Алишер Навоий. 12-том, 28-бет.

ва Мажнун» каби саҳна асарларини ҳамда Тошкент меҳнаткашларининг хонлар зулмига қарши кўтарган қўзғолонини акс эттирган «Ойбону» номли музикали драмани яратган. Шунингдек, қатор ишқий, ҳажвий, сатирик асарлар унинг қаламига мансуб. Шамсиддин Шарафиддинов бу асарларини йигирмадан зиёд тахаллус остида эълон қилган. Жумладан, адабиётшунос Баҳриддин Насриддинов адабнинг 27 дан ортиқ тахаллуси борлигини қайд этади. Булар қуйидагилардир: Шукрий, Доий, Шарафзода Тошкандий, Шарифзода Тошкандий, Шарафзода, Хуршид, Тажанг, Ўжар, Чаён, Индамас, Инжиқ, Шукрий-Шараф, Чаёнбай, Шоҳидий, Алои-Шоший, Шамс-Шоший, Алои-Шукрий, Алои-Тошкандий, Шукрий-Тошкандий, Шамсиддин-Шараф, Дилхаста Шукрий-Шараф, Фақир Шамсиддин-Шараф, Ман, Фақир Шамс-Тошкандий ва бошқалар⁷⁰. Ана шу анъана-нинг ҳозирги вақтда эрк ва озодлик, миллий мустақиллик учун курашайтган мамлакатларда давом этайдигинани аввалги бобларда айтиб ўтган эдик. Бироқ классик адабиёт билан шуғулланувчи мутахассислар масаланинг ана шу томонига эътибор беришлари лозим. Чунки ҳамма тазкиранавислар ҳам Алишер Навоий сингари ҳар бир шоирнинг ижодида юз берган ўзгаришларни, хусусан, тахаллус масаласига аҳамият бермаган тазкиранавислар бир шоирни икки ё уч мустақил ижодкор сифатида ўрганади.

Бир неча шоирга бир тахаллус

Бир неча шоирнинг бир тахаллус остида қалам тебратиш ҳодисаси анчагина кенг оммалашган анъана саналади. Сўзиз ҳеч бир воқеа-ҳодиса сабабсиз юз бермайди. Айни пайтда бир қанча қаламкашларнинг бир сўзни тахаллус сифатида қўллашига ўзига хос сабаблар бўлиши табиий. Фикримизча, бунинг сабаби бир неча шоирнинг бир-биридан бехабар қалам тебратишидир. Масалан, ўтмишда Бухоронинг Қоракўл районида яшаб ижод этган шоир Тошкент ёхуд Фарғонада ижод этайдиган қаламкашдан қандай хабар олиши мумкин? Ҳатто

⁷⁰ Қаранг¹ Хуршид. Таъланган асарлар. Тошкент, 1967, 5—13-бетлар; ² Насриддинов. Хуршид. Тошкент, 1975, 206—214-бетлар.

бу гапни Бухоро амирлиги территориясишинг қарама-қарши томонига (географик ўрни нуқтан назаридан) жойлашган районларидағи табъ аҳли хусусида ҳам айтса бўлади. У ёки бу асрда маълум мамлакатда биргина тазкира бунёдга келганки, ундан баҳраманд бўлиш ҳаммага ҳам насиб бўлмаган. Масалан, Алишер Навоий яшаб ижод этган XV аср иккита тазкирани — Давлатшоҳ ибн Бахтшоҳи Самарқандийнинг «Тазкиратуш-шуаро»си ва Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»ини билади. Абдураҳмон Жомий «Баҳористон»ининг еттинчи равзаси ҳам тазкира характеристида. Бу уч асар ҳам Мовароуннаҳр Хурросондай катта территорииядаги ижодкорларнинг барчасини қамраб олиш имконига эга эмас эди. Мана бир мисол, Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да Ҳўжа Исмат Бухорий, Ҳаёлий Бухорий, Қавсарий Бухорий, Сайфий Бухорий каби бухоролик шоир ҳақида маълумот беради. Бундан бир асрда Бухорода тўртта шоир етишибди, деган фикрга келиш нотўғри. Бу даврда ўнлаб ижодкорлар етишганлиги шак-шубҳасиз. Аммо улар Алишер Навоий ёътиборидан четда қолган бўлиши керак. Уларнинг асарлари тарих тақозоси, жанг жадаллар, чет эл босқинчиларининг мислсиз ҳужумлари, тожтахт учун олиб борилган курашлар туфайли йўқ бўлиб кетган.

Тонг отаётган пайтдаги ажиб манзара, беғубор ҳаво, назокат ва кўрк жуда кўпчилик ижодкорларни мафтун этган. Улар тонг палласидаги дилбарлик ва дилкашликини ўз шеърларида орзу қилишган ва шунга кўра «Субҳий» тахаллусини ўзига тахаллус қилиб олишган. «Мажолисун-нафоис»ининг 90-бетида шулардан бири хусусида Навоий шундай ёзади: «Мавлоно Субҳий — Ўба навоҳисида Гүён чашмасида бўлур. Шеърида хили чошниси бор. Бу матлаъ анингдурким:

Моҳи ман, имшаб ба нури хеш ин кошонаро,
Соз равшан, варна оташ мезанам ин хонаро».

(Мазмуни: Эй ой юзлигим, бу кеча ўз нуринг билан бу кошопани равшан қил, бўлмаса, бу уйга ўт қўйиб юбораман). Субҳий тахаллуси билан XIX асрнинг охи-

⁷² Мадғазиев Муҳаммаджан. Роджи Марғилани и его поэтическое мастерство, автореферат кандидатской диссертации, Самарканд, 1973, с. 6.

рида туғилиб, 1940 йилда Бухорода вафот этган Ибрөхим Халилов ҳам қалам тебратган.

Навоий тахаллусида Алишер Навоийдан бошқа бир қатор ижодкорлар ҳам қалам тебратган. Масалан, Мулло Навоий Хурросоний (XVI), Бобосултон Навоий (қумлик), Мулло Шамсуддин Муҳаммад Навоий (Қошоний), Мирмуҳаммад Шариф Навоий (Карбалой), Пирзода Навоий (Сабзаворий), Мирзо Муҳаммад Тақий Навоий ва бошқалар. Умуман, Навоий тахаллуси остида ижод этган шоирлар ўн бештадан ошади⁷¹.

Адабиёт тарихи, Абу Али ибн Синога замондош бўлган Абулҳусайн Суҳайлий, табрезлик Мирзо Аҳмад Суҳайлий, Абдураҳмон Суҳайлий, Алишер Навоийнинг замондоши ва дўсти Шайх Аҳмад Суҳайлий ва тожик совет адабиётининг кўзга кўринган вакили Жавҳаризода Суҳайлийларни билади.

Адабиётшунос Муҳаммаджон Мадғозиев эса ўзининг қатор илмий тадқиқотларида Рожий тахаллуси остида ўндан ортиқ шоир қалам тебратганини маълум қиласди. Булар: Ҳоди Мирзо Абулҳасан Рожий (Озар шоири, 1696—1752), Буман Али Рожий, Муҳаммад Юсуф ибн Хўжамберди Рожий Хоразмий, Идрис Маҳдум ибн Наирахўжа Рожий Бухорий, Сулаймонқул ибн Усто Суярқул Рожий Хўқандий, Мирзо Юнус Рожий Шаҳрисабзий, Насриддин Рожий, Фахриддин Мирзо Рожий Самарқандий, Аҳмади Рожий ва Мулло Тоҳир Рожий Марғилонийлардир⁷². Кўринадики, айрим тахаллуслар остида ўнлаб, ҳатто ундан ҳам кўпроқ ижодкорлар қалам тебратишган. Бу ҳол, албатта, чалкашликларга олиб келади.

Шарқ халқлари адабиётидаги кўп тахаллуслилик ҳодисаси адабиёт тарихи билан шуғулланувчиларни ҳамиша «юз ўлчаб бир кесиши» қабилида иш тутишларини тақозо этади.

⁷¹ Исҳоқов Ё. Алишер Навоий ва Навоий тахаллусли шоирлар. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1968, 3-сон, 76—79-бетлар.